УзССР Давлат китоб палатаси
Инв. Гос. книжная палата УзССР

(Навоийдан кейин нашр этилган)

Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1998 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1956 йил 4 январдан нашр этила бошлаган

• 18 сентябр, № 38 (3474)

ИСРОИЛ САФАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 14-16 сентябрь кунлари давлат ташрифи билан Исроилда бўлди. Президентнинг сафар олдидан журналистлар билан ўтказган матбуот анжуманида айтиб ўтилганидек, фан, техника, халқ хўжалигининг турли соҳаларида ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорлик мамлакатимиз тараққиёти учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Шу жиҳатдан қараганда, бу мамлакатда ўрганиш ва амалий ҳамкорлик қилишга арзигулик ютуқлар оз эмас. Бинобарин, Исроилда зироатчиликда ишлатиладиган сувдан тежаб фойдаланиш, пахта ва бошқа деҳқончилик экинларидан юқори ҳосил олиш, чорвачилик маҳсулдорлигини оширишда кўпгина ибратли тажрибалар тўпланган.

Президентимизнинг бу давлатга сафари чоғида «Шоҳ Довуд» қароргоҳида икки мамлакат расмий делегацияларининг музокаралари бўлди. Унда Ўзбекистон ва Исроил ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама этилди. Ҳужжатларни имзолаш маросимида икки давлат ҳукуматлари ўртасида Икки томонлама солиқ солмаслик, фойда ва капиталга солиқ тўлашдан бош тортишнинг олдини олиш тўғрисидаги Конвенция ҳамда Икки давлат ҳукуматлари ўртасида савдо ва иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги Битим ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Ислом Каримов ва Исроил Бош вазири Бенямин Нетаняҳу ўртасидаги суҳбатда ўзаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди. Президентимиз Фаластин Мухториятининг Рамаллоҳ шаҳрида Мухторият раҳбари Ёсир Арафот билан учрашди. Бўлиб ўтган суҳбат чоғида Яқин Шарқдаги аҳвол, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш юзасидан фикр алмашилди.

Ташрифнинг иккинчи кунида мамлакатимиз раҳбари Исроилдаги ишбилармон доиралар вакиллари билан, шунингдек, Исроилдаги Бухоро яҳудийлари жамияти вакиллари билан ҳам учрашди. 16 сентябрь куни Ислом Каримов Қуддусдаги «Зераим Гедера» қишлоқ хўжалик мажмуи, «Исроил авиация саноати» корпорациясида бўлиб, уларнинг фаолияти билан яқиндан танишди.

Исроил сафари чоғида ўзаро тенглик асосига қурилган сиёсий-иқтисодий ҳамкорлик юзасидан эришилган келишувлар мамлакатлар ва халқларни бир-бирига яқинлаштиришда муҳим қадам бўлиши шубҳасиздир. Зеро тинчлик ва халқлар фаровонлигига хизмат қилувчи амалий алоқаларни кенгайтириш, иқтисодий тараққиётнинг турли соҳаларида эришилган тажрибалар билан ўртоқлашиш эзгу мақсадларимизга ҳамоҳангдир.

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНЛАРИ

Шеърий лаҳза

Халқим тарихида буюк бир сана —
Озод осмонимда порлади қуёш.
Юртим улуғлари келмоқда, ана,
Мен улар қошида эгадирман бош.
Булоқдай покиза, пок иймонлари,
Озод Ўзбекистон қаҳрамонлари.

Буюк халқ нигоҳи эрур зўр қудрат,
Ҳақиқат истаган халққа таянгай —
Сизга йўлдош бўлди шижоат, шавкат,
Энди эрк машъали абадий ёнгай.
Ватан яшнасин деб фидо жонлари,
Озод Ўзбекистон қаҳрамонлари.

Биз Ватан бағрида бир тан-у бир жон —
Ватандай яшаймиз эркин ва озод.
Ҳар қадам чаманзор, ҳар қадам бўстон,
Эрк ила фахр этар шукуҳли авлод.
Оламга таралгай шараф-шонлари,
Озод Ўзбекистон қаҳрамонлари.

Шукур, ортда қолди озорнинг бари,
Баъзан дилингизни эзди ҳасратлар.
Сиз метин сафларнинг тоза гавҳари,
Ҳақсизликка қарши ўсган журъатлар.
Музаффар элимнинг мард ўғлонлари.
Озод Ўзбекистон қаҳрамонлари.

Айтинг, сизга бу кун ким этмас ҳавас,
Адолат кўзи-ла ташласак назар:
Овозингиз фақат қўш дарёданмас,
Ошди уммонларнинг сарҳади қадар.
Сиз юртим зийнати гул, райҳонлари,
Озод Ўзбекистон қаҳрамонлари.

Анвар ТОҒАЕВ

БУЮК МУҲАДДИС САБОҚЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан ҳадис илмининг ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома, улуғ ватандошимиз Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги кенг нишонланадиган кунлар яқинлашмоқда

Ўзбекистон истиқлоли шарофати билан она халқимиз ўзининг кўп асрлик маънавий қадриятларини қайтадан ўрганиш, даврлар сурони оша ғубор қоплаган маънавият дурдоналарини эъзозлаш имконига эга бўлди. Қуръони каримнинг ўзбек тилида китоб ҳолида нашр этилгани, буюк муҳаддис, улуғ ватандошимиз Имом ал-Бухорий томонидан кўп йиллик фидойи меҳнат ва буюк эътиқод самараси билан сайқал топиб тўпланган Муҳаммад пайғамбаримиз ҳадислари кўп жилдли китоблар тарзида минг-минглаб ўқувчиларга туҳфа этилгани, шу туфрокда вояга етиб инсоният маънавияти ва маърифатига, жаҳон илми хазинасига буюк ҳисса қўшган улуғ аллома-ларимизнинг таваллуд саналари, юбилейлари жаҳон миқёсида кенг нишонланаётганлиги халқимиз қўлга киритган буюк неъмат — мустақилликнинг самарасидир.

Вазирлар Маҳкамасининг «Имом ал-Бухорий таваллудининг ҳижрий-қамарий тақвим бўйича 1225 йиллигини нишонлаш тўғрисида» 1997 йил 29 апрелда қабул қилинган қарорида аллома юбилейи муносабати билан жуда кўп хайрли ишларни амалга ошириш кўзда тутилган эди. Шу ишлардан энг йириги — Самарқанд вилоятидаги Хартанг қишлоғида Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуи қайта таъмирланиб, бу ердаги ободонлаштириш ва қурилиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Куни кеча Республика Вазирлар Маҳкамасида Аҳмад ал-Фарғоний ва Имом ал-Бухорий юбилейларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг навбатдаги мажлисида айтиб ўтилганидек, Самарқанд шаҳрида ЮНЕСКО иштирокида «Имом ал-Бухорий ва унинг дунё маданиятида тутган ўрни» мавзуида халқаро анжуман ўтказишга пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Мамлакатимиздаги кўплаб маданият ва маърифат муассасаларида, олий ўқув юртларида, пойтахтимиздаги миллий маданиятлар марказларида Имом ал-Бухорий илмий ва маънавий меросини ўрганишга доир анжуманлар, учрашувлар, давра суҳбатлари бўлиб ўтмоқда. Алломанинг китоблари чоп этилаётир.

Тошкентдаги Ўзбекистон Республикаси Байналмилал маданият марказида ҳам буюк муҳаддиснинг маънавий меросига бағишланган катта анжуман бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар бўйича қўмита раиси Шарафиддин Мирмаҳмудов, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абдурашид қори Бахромов, Халқаро Амир Темур жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари, шарқшунос олим Убайдулла Уватов, Халқаро Ислом тадқиқот маркази мудири, фалсафа фанлари доктори Маҳмудхўжа Нуриддинов, Республика Байналмилал маданият маркази бошлиғининг ўринбосари Муножотхон Нурматова, Республика Турк миллий-маданий маркази раиси Умар Салмонов, «Ориёно» тожик маданияти марказининг раиси Ҳожи Сотимхон Мунаввар Иномхўжаев, Челак туманидаги Имом ал-Бухорий жомеъ масжидининг имом-хатиби Усмонхон Темирхон ўғли Олимовларнинг маърузалари, ахборот ва фикр-мулоҳазаларини тингладилар. Анжуманни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Абдулазиз Мансуров бошлаб берди.

2-бет

ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИДАГИ МУСИҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

Ҳозирги замон ўзбек мусиқа ижодиёти услубан бой ва ранго ранг, кўлами кенг жараён сифатида ривож топмоқда. Зотан, миллий мусиқа санъатимиз жуда қадим, бетакрор анъаналарга эга бўлгани ҳолда, XX аср давомида замона зайли билан янги-янги йўналиш, шакл, жанр, услублар билан ҳам бойиди. Демакки, асрлар оша бизгача етиб келган навобахш меросимиз қатори бир неча авлод вакилларининг кўркам мусиқий ижоди маданий-маънавий мулкимизга айланди.

Ҳар қандай санъат тури ўз воситалари орқали ҳаётий воқеликни акс эттиришга қодир экан, сўнгги қарийб юз йил мобайнида ўзбек мусиқасининг ривожланиши нечоғлик мураккаб ва ўзгарувчан ижтимоий шароитларда кечганини тасаввур қилиш қийин эмас. Хусусан, 20-йиллардан эътиборан композиторликка хос ифода воситаларининг изчил жорий этила бошланиши республикамизда янги ижодкорлик тизими барпо этилишидан далолат берди. Табиийки, ўзбек халқ ижодиёти, ҳаваскорлик ҳамда анъанавий бастакорлик сингари ўзаро чамбарчас боғлиқ қатламлар билан, айни замонда, миллий қадриятларимизга нисбатан, таъбир жоиз бўлса, «ноанъанавий» кўповозли композиторлик ижодиёти ҳам муҳим тармоқ сифатида ривожлана бошлади.

Умумбашар маданий тараққиётини назарда тутган ҳолда, мазкур жабҳа ўлкамизда тарихан жуда қисқа муддат ичида узил-кесил шаклланганини алоҳида эътироф этиш керак. Ғарбий ва Шарқий Оврупо мамлакатлари тажрибасидан унумли фойдаланибгина қолмай, уларнинг ижодкорлик қонун-қоида ва тамойилларини ўзбек халқ мусиқасининг чексиз имкониятлари билан моҳирона пайванд қилиш ҳаракатида бўлган илғор композиторларимиз нафақат Марказий Осиё, балки Шарқ минтақаси доирасида сезиларли ютуқларни қўлга киритишга муваффақ бўлишди. Чин маънода муаллифликка мансуб мусиқий услубдаги замонавий асарларни яратиш, жаҳон халқлари мусиқаси ривожланишини ҳисобга олиб, тобора янги-янги ижодий уфқларни очиб бориш билан таърифланувчи байналмилал жараёнга Ўзбекистон ўз муносиб улуши билан дадил кира олди. Касбий улғайиш босқичларини тезкорлик билан ўтаб, камолот палласига кўтарила олган ўзбек композиторлик мактаби дунё мусиқа маданиятида ўзига хос ўринни эгаллашга интилди.

60-йиллар охири — 70-йилларнинг бошларидаёқ Ўзбекистон симфоник мусиқаси собиқ Иттифоқ ҳудудида пешқадам сафга чиқиб олганлигини эслаб ўтайлик. Республикамизда яқин ва узоқ хорижий мамлакатларда ўтказилган нуфузли маданий тадбирлар, концерт, кўрик-танлов ҳамда фестивалларда катта муваффақият билан ижро этилган ўзбекона поэмалар, сюиталар, увертюралар, фантазиялар, чолғу концертлари, симфониялар халқаро жамоатчиликнинг диққат-эътиборини қайта-қайта ўзига жалб қилган.

Таъкидлаб ўтиш керакки, бугунги кунда халқаро мусиқий алоқаларимиз янги сиёсий-ижтимоий вазиятда, яъни эркин ва бевосита ҳамкорлик ўрнатиш йўлидан ривож топмоқда. Шу туфайли мавжуд имкониятлар тобора кенгайиб, бутунлай янги даражага кўтарилгани маълум. Бинобарин, буюк истиқлол ғоялари бизни ижодга янгича ёндошишга, асарларимизга мустақиллик тафаккурини, халқчиллик, миллатпарварлик ҳамда ватанпарварлик ғояларини сингдиришга, халқаро ижодий алоқа ва ҳамкорлигимизни мустаҳкамлашга ундамоқда. Ҳозирги замон ўзбек миллий мусиқа маданияти, мусиқа ижодиёти ва ижрочилиги учун ҳам бундай мезонлар ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда ўзбек мусиқа санъати нафақат асл-анъанавий кўринишларида, балки композиторлик йўналишида ҳам халқаро миқёсида тобора кенгроқ тан олинмоқда. Шу маънода соф чолғу мусиқаси, хусусан, энг мураккаб саналмиш симфоник ижодиёт алоҳида эътиборга молик.

Табиийки, ўзбек композиторлик санъати ҳали навқирон ёшда. Шу сабабли симфоник мусиқа жанрида яратилган бадиий баркамол асарларнинг тингловчилари доирасини кенгайтиришимиз, унинг омма томонидан тушунилиши, идрок этилиши, мағзи чақилишига қаратилган маърифий-тарғибот ишларимизни жонлантиришимиз керак.

Эндиликда республикамиз композиторлик санъати шунчаки хилма-хил мусиқа жанрларида ёзиш ва изланиш тажрибаларидан иборат бўлмай, балки ўзининг анъаналарига, мумтоз намуналарга эгадир. Унинг асосини турли йилларда, аввало, халқчил куй-оҳанглар заминида яратилган ноёб ва бетакрор асарлар ташкил этади. Зеро, ҳар қандай андозада басталанган мусиқанинг миллийлик, бадиий баркамоллик, ўзига хослик, мазмундорлик, таъсирчанлик каби фазилатлари ҳамиша қадрлидир.

Юксак касбий маҳорат, теран билимдонлик, нозик дид билан кўҳна миллий анъаналарга таяниб яратилган асарларнинг умр боқийлиги ўзбек симфоник мусиқаси мисолида ҳам яққол намоён бўлади. Жумладан, 30-йилларнинг иккинчи ярмида яратилган Александр Козловскийнинг овоз ва симфоник оркестрга мослаштирилган нафис **«Тановар»** поэмаси, **«Лола»** сюитаси, Рейнгольд Глиэрнинг **«Фарғона байрами»** увертюраси тингловчиларга ҳамон завқ шавқ бағишлаб келмоқда.

Симфоник оркестр иштирокида ижро этишга мўлжалланган бадиий баркамол асарлар орасида Мутал Бурҳоновнинг хор ва симфоник оркестр учун **«Алишер Навоийга қасида»**си, Мухтор Ашрафий, Георгий Мушель, Сулаймон Юдаковларнинг қатор симфоник асарлари, Дони Зокировнинг **«Лирик поэма»**си, Борис Надеждиннинг **«Болаларга»** сюитаси, Икром Акбаровнинг **«Шоир хотирасига»**, **«Эпик поэма»**лари, **«Почта»**, **«Самарқанд ҳикоялари»** туркумлари, Сайфи Жалилнинг **«Самарқанднома»** симфонияси, Тўлқин Қурбоновнинг симфоник куйлари, Мирсодиқ Тожиевнинг **«Шоир севгиси»** поэмаси, 19 та муҳташам симфониялари, Мирхалил Маҳмудовнинг 3 та симфонияси, Нурилла Зокиров, Мустафо Бафоев, Рустам Абдуллаев, Ҳабибулло Раҳимов, Надим Норхўжаевларнинг ўнлаб сара асарлари, шунингдек, Нуриддин Ғиёсов, Аваз Мансуров, Анвар Эргашев ва бошқа иқтидорли ёш ижодкорларнинг ютуқлари ўзбек симфоник мусиқаси равнақига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Вақт мусиқа санъати салоҳиятининг асл мезонлари ўткинчи эмаслигини яна бир карра исботлади. Яъни, Ўзбекистонда мусиқа ижодкорлиги сўнгги етти йил ичида ўз замини, мустаҳкам пойдеворига қайта эга бўлди. Эндиликда истиқлол шарофати ила азалий миллий қадриятларимизни тиклаш, уларни изчил ривожлантириш, гуллаб-яшнаши учун барча шарт-шароитлар яратилиб, ўзбек мусиқасини жаҳонга танитиш саъй-ҳаракатлари бошланди.

Ўтган йили Мустақиллик байрами арафасида жуда зўр муваффақият билан Самарқанд шаҳрида ўтказилган **«Шарқ тароналари»** халқаро мусиқа фестивали бу йил пойтахтимизда илк бор симфоник мусиқага бағишлаб ўтказиладиган халқаро фестивалга уланиб кетишида катта маъно ва мазмун бор. Чунки ҳозирги замон композиторлик ижодиёти мавқеининг кўтарилиши миллий ва умумбашарий маънавий қадриятларнинг ўзаро нақадар чамбарчас боғлиқлигини кўрсатади. Мазкур фестивал жаҳон халқлари мусиқа бойликлари Ўзбекистонда янграб ўзбек ижодкорлари яратган сара асарларнинг эса дунёга танилишига, халқаро санъаткорлик ришталари янада мустаҳкамланишига хизмат қилажак.

Равшан ЮНУСОВ
мусиқашунос, санъатшунослик фанлари номзоди

ФЕСТИВАЛДА ҚАТНАШАДИ

Тошкентда ўтадиган халқаро симфоник мусиқа фестивалида Америка, Европа ва Осиёнинг 20га яқин давлатларидан ижрочилар ва композиторлар қатнашади. Ўзбекистонлик санъаткорлар ҳам фестивалда асосий қатнашчилардан ҳисобланадилар. Ҳамюртларимиз фестивалга ўзбек ва чет эл муаллифларининг ранг-баранг асарларидан тузилган дастурни тақдим этадилар.

Ўзбекистоннинг мусиқий жамоалари орасида Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси қошидаги мусиқали театр-студияга алоҳида ўрин ажратилган. У республикамизнинг етакчи мусиқий жамоаларидан бўлиб, 35 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Кўп йиллик сермаҳсул фаолияти давомида студия кўплаб дирижёр, хормейстер ижрочиларни кўриб, бугунги кунда катта ижодий тажрибага эга бўлди. Жамоа Алишер Навоий номидаги давлат академик Катта театри билан ҳамкорлик қилади.

Театр-студиянинг дастури жаҳон классикаси ва XX аср композиторларининг мусиқий-саҳнавий асарлари асосида тузилган. Бу ерда ўзбекистон композиторлари асарларининг тарғиботига алоҳида эътибор берилади. Жумладан, жамоа ташаббуси билан Н. Зокировнинг **«Рақиблар»** ва **«Уйғониш»**, Ҳ. Раҳимовнинг **«Она қалби»**, Ф. Янов-Яновскийнинг **«Петрушка-ажнабий»** ва **«Оркестр»**, А. Мансуровнинг **«Ҳайвонлар султони»**, И. Акбаровнинг **«Ибтидо хатоси»** опералари илк бор саҳналаштирилди.

Мусиқали театр-студияда уч гуруҳдан иборат ижодий жамоа фаолият кўрсатмоқда. Булар: симфоник оркестр, хонандалар гуруҳи ва хор капелласи.

Шу ўринда Ўзбекистон композиторларининг симфоник ва кантата-ораториал ижодини алоҳида таъкидлаш жоиз. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ғани Тўлаганов ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Аҳад Ҳамидов бошчилик қилаётган ушбу студия дастури республикамиз маданий ҳаётида муҳим воқеага айланмоқда. Жумладан, Й. Гайднинг **«Йил фасллари»**, И. Бахнинг **«Магнификат»** каби мураккаб асарларининг ижро этилиши алоҳида аҳамият касб этади.

Ойдин АБДУЛЛАЕВА,
консерватория талабаси

ЮНУСОБОДДАГИ БЕЛЛАШУВЛАР

Пойтахтимиздаги «Юнусобод» теннис мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун бўлиб ўтаётган халқаро мусобақа давом этмоқда. Ўтган икки кун мобайнида дунёнинг энг машҳур теннисчиларидан бир қанчаси кортга чиқиб, ўзаро баҳс олиб бордилар. Ушбу мусобақанинг биринчи рақамли ракеткаси саналадиган россиялик Евгений Кафельников иккинчи раунд баҳсида Жанубий Африка Республикасининг вакили Давид Наикин билан учрашди. Бунда Евгений осонлик билан иккинчи ғалабани қўлга киритди ва мусобақанинг кейинги босқичига бериладиган йўлланмани қўлга олди. Сўнгра, кортга аргентиналик теннисчи Этлес Гастон билан Жанубий Африка Республикасининг яна бир спортчиси Годвин Невилл таклиф этилди. Ушбу учрашувда Этлес ғолиб чиқди.

Мусобақанинг 1/6, босқичида Седрик Пиолен италиялик Луаренсе Тилеманни 4/6, 7/6 (6), 6/4 ҳисобида мағлуб этиб, ўз очколари сонини яна бир нечтага оширди.

Ўтказилган учрашувлар натижасига кўра, ушбу халқаро мусобақада қатнашаётганларнинг қайси бири ғолиблик учун кўпроқ имкониятга эга эканлиги ойдинлашиб қолди. Кейинги учрашувларда Марат Сафен Седрик Пиолен билан Евгений Кафельников эса Этлес Гастен билан куч синашади.

Ҳамюртларимиздан Дмитрий Томашевич Россия вакили Иванов-Смоленский билан жуфтликда дастлабки ғалабани қўлга киритдилар.

Н. МУСОМОВ

ҚАЛБИ РАВШАНЛАР ДАВРАСИДА

Яқинда Жалолқудуқ туманида кўзи ожизлар жамияти ташаббуси билан оила йилига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирдан кўзда тутилган мақсад — энг яхши оилаларни танлов асосида аниқлаш эди. Туман марказлашган кутубхона мудираси Ў. Йўлдошева танлов иштирокчиларини саҳнага таклиф этди. Иштирокчилар аввал ижтимоий-сиёсий мавзудаги саволларга жавоб қайтаришди. Сўнг оила ҳаётидан кичик лавҳалар намойиш этишди. Масалан, Б. Орзиев тежамкор ниқоби остида ўта зиқна шахс қиёфасида намоён бўлди. Тожиддин Мавлоновлар оиласи тайёрлаган лавҳада эса жамият аъзолари орасидаги нохуш ҳолатлар енгил ҳажв остига олинди. Биринчи гуруҳ ногиронлари Акбарали ва Ўктамхон Боймирзаевлар оиласи анъанавий мавзу — қайнона-келин муносабатларини жуда чиройли талқин этдилар. Абдумутал Мадраҳимовлар оиласи лавҳасида эса ичкиликбозликнинг шум оқибатлари ва унинг олдини олишда аёл кишининг матонати ифодаланди.

Қурик ғолиблари туман ҳокимлигининг пул мукофотлари билан тақдирландилар. Туман маданият уйининг «Наво» халқ дастаси қатнашчилари Ҳошимжон Қурбонов, Равшанбек Эргашев, Тожиддин Юсуфалиев, Тўхтасин Абдураҳимов, асакалик меҳмон Қундузхон Раҳмоновалар ўзларининг ширали овозлари билан танловга байрам руҳини бахш этишди.

Маъруфжон АСҚАРОВ,
Андижон вилояти

Буюк муҳаддис сабоқлари

А. МАНСУРОВ: — Ассалому алайкум, ҳурматли меҳмонлар, анжуман қатнашчилари! Имом ал-Бухорий ҳазратларининг таваллуди ҳижрий тақвим бўйича 194 йилга, милодий тақвим бўйича эса 809 йилга тўғри келади. Бу йил ҳижрий 1419 санадир.

25 йил муқаддам буюк муҳаддиснинг 1200 йиллик юбилейи тор доирада ўтказилгани боис у умумҳалқ тантанасига айланмаган эди. Ўтган йили Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллигини нишонлаш бўйича Республика Вазирлар Маҳкамаси махсус қарор қабул қилди. Амалда юбилей аллақачон мамлакат бўйлаб кенг нишонлана бошлади. Имом ал-Бухорий таваллудини нишонлашга бағишланган тадбирлар Президентимиз И. А. Каримовнинг бевосита диққат-эътиборида турибди. Президентнинг шу йил 8 июлда Самарқанд вилоятига ташрифи айнан Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуида барпо этилаётган иншоотларни бориб кўриш билан бошлангани бунинг ёрқин мисолидир.

Юртбошимиз юбилейнинг асосий тантаналари ўтадиган, аллома руҳи абадий қўним топган Челак туманининг Хартанг қишлоғидаги ободончилик ишлари билан қизиқдилар, керакли йўл-йўриқлар бердилар. Ёдгорлик мажмуини яратишда шарқона қадриятлар, ўлкамиздаги буюк бобокалонларимиз зиёратгоҳлари андозасига таяниш зарурлигига эътибор қаратилди.

Дарҳақиқат, Президентимиз алоҳида уқтирганидек, ҳаж ва умра сафарига отланган ҳар бир ватандошимиз, аввало юртимиздаги бу муқаддас қадамжони зиёрат қилиши керак. Муборак сафардан олдин одам ўзини англамоғи зарур. Ўзни англаш эса шундай табаррук жойлар зиёратидан бошланади. Президент жаноблари одамлар бу ерга нима учун келишларини унутмаслик, аллома қабрини зиёрат қилувчиларга қулайлик яратиш, ёдгорликни ҳар бир инсон руҳий озиқ оладиган маскан сифатида барпо этиш лозимлигини қайта-қайта эслатдилар. Маънавият даргоҳларига бундай муносабат юртимизда мустақилликни мустаҳкамловчи маънавий омилларга эътибор юксаклиги, тарихийлик ва замонавийликнинг уйғунлиги устувор тамойилга айланганидан яна бир далолатдир.

Имом ал-Бухорий ҳазратлари ўттиздан ортиқ асарлар муаллифи. Уларнинг биттаси, яъни «Ал-Жомъе ас-Саҳийҳ» дунё юзини кўргандан бери Қуръони каримдан сўнг ислом динининг иккинчи мўътабар манбаъси сифатида эътироф этиб келинмоқда. Исломий фанлар тарихида бунчалик катта эътибор топган бошқа ҳадислар тўплами йўқ. Бугун биз буюк муҳаддис асарларини қайтадан чоп этяпмиз. Ҳадисларни муайян мавзуларга бўлиб ўрганяпмиз. Нега шундай қилинмоқда? Имом ал-Бухорий ҳадислари — бу, хурофот ёки тор диний ақидалар тўплами эмас, балки умуминсоний қадриятлар мажмуидир. Биз унинг энг пок, энг нозик дидга мутаносиб аҳлоқ нормаларини ўзида мужассамлаган, айниқса бугунги кунимизда ватанпарварликка, фидойиликка, халқлар ўртасидаги дўстлик, тинчлик ва умуман эзгуликка чорловчи манба эканини яна бир бор кашф этмоқдамиз.

Шу муносабат билан таъкидлашни истардимки, юксак маърифатли, комил инсонларни тарбиялашни мақсад қилиб қўйган эканмиз, ўтмишга енгил нигоҳ билан қарамасдан унинг бағридаги маънавият дурдоналарини кўз қорачўғидек асраб, умуминсоний моҳиятга эга бўлган бебаҳо қадриятларимизни эъзозлаб бормоғимиз ҳам заруратдир. Бинобарин, биз моддий таназзул билан маънавий инқироз мувозий тарзда юз беришини бошимиздан кечирдик. Демак, бугун маънавий тикланиш ва иқтисодий юксалиш бирбири билан чамбарчас боғлиқлиги барчага аён ҳақиқатдир. Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний каби буюк боболаримизнинг маънавий ва илмий меросини теран ўргана бошлаганимиз боиси ҳам шунда.

Ал-Хоразмий ва ал-Фарғоний, ал-Бухорий ва ат-Термизийлар бир замон ва маконда яшаб ижод этганлар. Ҳозир бу сиймолар мусулмон уйғониш даврини бошлаб берган намояндалар сифатида ҳам Шарқда, ҳам Ғарбда кенг эътироф этилмоқда. Бу ўша замонда, яъни бундан 1200 йил аввал юртимизда диний ва дунёвий илмлар баробар ривожланган ва бир-бирига зид бўлмаганидан далолат беради. Ва бу нарса бугун учун ҳам ўз аҳамиятини, қадр-қимматини йўқотган эмас.

Ш. МИРМАҲМУДОВ: — Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов «Ватанимиз азалдан башарият тафаккур хазинасига унутилмас ҳисса қўшиб келган», деб таъкидлаганида, ўзбек халқи номини кўкларга кўтариб келаётган буюк алломаларимиз қатори Имом ал-Бухорий ҳазратларини ҳам назарда тутган эдилар.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ҳаётлик давридаёқ Имом ал-Бухорий номи билан дунё муҳаддисларининг буюк устози сифатида машҳур бўлган эди. Алломанинг оламга машҳур ҳадислар тўплами мусулмон оламида алоҳида бир эътибор билан ўқиб-ўрганиб келинмоқда.

Мустақиллигимиз йилларида Имом ал-Бухорий каби буюк аждодларимиздан аз-Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбандларнинг таваллуд саналари нишонланганлиги халқимизнинг маънавий ўсиш жараёнини янги босқичларга кўтармоқда ва жамиятимизнинг маданий-маърифий юксалишига ижобий таъсир этмоқда.

Элимизда «Оққан дарё оқмай қолмайди», деган нақл бор. Ўтмишда дунё тараққиётига улкан ҳисса қўша олган халқимизнинг бугунги фарзандлари истиқлол туфайли Америка, Франция, Англия, Германия, Япония, Италия каби фан ва техника ривожланган илғор давлатларда таҳсил олиб келмоқдалар. Ёшларимизнинг ҳам дунёвий, ҳам диний илм олишлари келажаги буюк бўлган мамлакат пойдеворининг янада мустаҳкам бўлишига кафолатдир.

Дин ишлари бўйича қўмитамиз Ўзбекистон мусулмонлари идораси билан ҳамкорликда республика вилоятларида Имом ал-Бухорийга бағишланган учрашув ва давра суҳбатлари уюштирмоқда. Аллома юбилейи муносабати билан телевидение ва радио орқали мазмундор чиқишлар қилинмоқда. «Ҳадис илмининг султони»га аталган китоблар чоп этилиб, илмий-амалий анжуманлар ташкил этилмоқда.

Пайғамбаримиз ҳадисларини тўплаган алломанинг ўлмас мероси ёш авлоднинг маънавий ва маърифий дунёқарашини шакллантириш ва истиқлолга муносиб фарзандларни камол топтиришда беқиёс аҳамиятга эга бўлиб қолаверади.

А. БАҲРОМОВ: — Бисмиллоҳир роҳманир роҳийм!

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг бутун жамиятимизда бўлгани каби, диний-ижтимоий жабҳада ҳам улкан ижобий ўзгаришлар рўй берди. Миллий қадриятларимиз қайта тикланиб, ўтмишда диёримиздан етишиб чиққан улуғ алломалар хотирланиб, уларнинг бой маънавий мероси, ибратли фаолиятига катта эътибор берила бошланди.

Улуғ бобокалонимиз Имом ал-Бухорий ҳазратларининг таваррук тўйлари ҳам Истиқлол шарофати, муҳтарам Президентимиз олиб бораётган оқилона сиёсат туфайли кенг нишонланмоқда. Ана шу анжуманни жаҳон миқёсида ўтказиш ташаббускори ҳам Йўлбошчимиз Ислом Каримов жанобларининг ўзлари бўлдилар.

Маълумки, имомлар ва муҳаддислар пешвоси бўлмиш Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ал-Муғира ал-Жуъфий ал-Бухорий Бухорода таваллуд топдилар. Оталари шайх Исмоил ибн Иброҳим аҳли ҳадислардан бўлиб, тижорат ишлари билан ҳам шуғулланганлар. Катта боболари ал-Муғира яманлик Жуъфий ибн Саъд қабиласидан бўлмиш Бухорода истиқомат қилувчи ал-Яман ал-Жуъфий деган кишининг таъсирида мусулмон бўлганлари учун набираси Имом Бухорийга ҳам ал-Жуъфий деб нисбат берилган.

Имом Ал-Бухорий ҳазратлари жуда ёш чоғларида отадан етим қолиб, оналари тарбиясида вояга етдилар, мактабда ўқиб, саводли бўлгач, 10 ёшлариданоқ араб тили ва ҳадис китобларини ўқиш ва уларни ёдлашга қунт билан киришдилар. Кейин бухоролик муҳаддислар Муҳаммад ибн Саллом ал-Пойкандий, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Маснадий ал-Жуъфийлардан ҳадис илмини ўрганиб, кўп ҳадисларни ёд олдилар. 16 ёшларида Имом ал-Бухорий оналари ва акаси Аҳмад билан ҳаж сафарига отландилар. Шу тариқа Балх, Басра, Кўфа, Бағдод, Ҳумс, Дамашқ, Миср, Макка ва Мадина каби кўплаб шаҳарлардаги машҳур ҳадис олимларидан шу илм асрорларини ўргандилар.

Имом ал-Бухорий ўз ватани Бухорога қайтгач, бир мунча вақт толиби илмларга ҳадисдан дарс бердилар ва катта ҳурматга сазавор бўлдилар. Ул зотнинг фазлини кўролмаган баъзи ҳасадгўй шахсларнинг фитна ва иғволари туфайли Бухоро амири аз-Зуҳалий Имом ал-Бухорийга она шаҳрини тарк этиш ҳақида фармон беради. Бу воқеадан хабар топган Самарқанд уламолари Имомнинг Самарқандга кўчиб келишини илтимос қилишган. Имом бу илтимосни қабул қилиб, йўлга чиқадилар. Лекин Самарқандга яқин Хартанг қишлоғидаги қариндошларидан Абу Мансур Ғолиб ибн Жибрил деган кишининг уйига тушиб, бир неча кун шу ерда бетоб бўлиб ётиб қоладилар. Имом ал-Бухорий самарқандликларнинг иккинчи бор илтимосларига биноан бетобликларига қарамай йўлга чиқадилар. Аммо бир оз йўл босиш билан дард оғирлашади, «Мени отдан туширинглар!» — деб отдан тушадилар-да, шу ерга ёнбошлаб жон таслим қиладилар (иккинчи ривоятда, қўшхоналарига бориб, кечаси, яъни ҳижратнинг 256-йили рамазон ойининг охирги куни, шанба кечаси вафот этадилар). Эртаси ҳайит куни жаноза ўқилиб, шу Хартангда дафн қилинадилар.

Маълумки, Ҳадиси шариф Қуръони карим оятларини шарҳлаб беради. Шунинг учун ҳақиқий мусулмонга ҳадисни сақлашга ўз умрини бағишлаган ҳар бир муҳаддис ва ҳар бир ҳобалар билан мулоқотда бўлганлар) ўз қувваи ҳофизаларига ишониб, пайғамбаримиз ҳадисларини ёдлаганлар. Ҳадислар шу тариқа асосан оғзаки тарзда эл орасида тарқалиб, барча ишларда уларга таяниб иш тутилган.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом ва саҳобалару тобеъинлар ҳам дунёдан ўта бошлаган кезларда ислом динининг нуфузи кучайиб, у жуғрофий жиҳатдан катта ҳудудга тарқалиб бўлган эди. Бу пайтда ҳар хил миллий-сиёсий ихтилофлар, фиқҳ ва калом илмидаги зиддиятлар, исломда турли-туман оқим ва мазҳаблар пайдо бўла бошлагани сабабли чала-чулпа, ноқис, баъзан эса, шахсий манфаат ёки амиру ҳокимларга хушомадгўйлик оқибатида яратилган сохта ҳадислар ҳам эл орасида тарқала бошлайди. Манбаъларда қайд этилишича, ўша пайтда бидъатчилар томонидан Муҳаммад пайғамбар номларидан ўн тўрт мингга яқин ҳар хил сохта ҳадислар тўқилиб тарқатилган. Аҳвол шу тарзда давом этса, ҳадислар асл ҳолида сақланиб қолмасдан, келгуси авлодларга ҳаққоний ва тўғри ҳолида етиб бормаслигини англаган ҳокимлар ҳадисларни ёзма равишда қайд этиб тўплашдек эзгу ишга киришадилар.

Тўққизинчи аср ҳадис илми тараққиётида алоҳида ўрин тутади. Айнан шу асрда пайғамбар ҳадисларидан фақат саҳийҳ (ишончли, тўғри) ҳадислар ажратилиб, улар муайян қоида ва шартлар асосида чуқур тадқиқ қилинган, мавзуларига кўра алоҳида бобларга бўлиниб, мустақил асарлар яратилган. Шу асрда яшаб ижод қилган, Мовароуннаҳр ва Хуросон заминидан етишиб чиққан Имом ал-Бухорий, Муслим, Абу Довуд, ат-Термизий, ан-Насоий ва Ибн Можа каби буюк зотлар жумлаи жаҳонга машҳур олти саҳийҳ ҳадислар (ас-сиҳоҳ ас-ситта) тўпламларини яратдилар. Бу олимлар орасида буюк ватандошимиз Имом ал-Бухорий ҳазратлари саҳийҳ ҳадисларни тўплаб, алоҳида асар сифатида таълиф этишга асос солган алломадир.

Имом ал-Бухорий яратган асарларнинг аксарияти бизгача етиб келган. Алломанинг шоҳ асари — «Ал-Жомеъ ас-саҳийҳ» (Ишончли тўплам») ёки «Саҳийҳ ал-Бухорий» номи билан ҳам машҳурдир. Бу қимматбаҳо асар Маккаи мукаррама, Мадинаи мунаввара ва Бухорои шарифда ўн олти йил давомида ёзиб тугатилган бўлиб, саккиз мингга яқин саҳийҳ ҳадисларни ўзида жамлаган. Асар мавзуларига қараб тўқсон етти китоб ва 3450 боб ҳолида яратилган, асосан тўрт жилддан иборат. «Саҳийҳ ал-Бухорий»нинг кўплаб қўлёзмалари дунёнинг турли йирик шаҳарларида сақланади. У қайта-қайта нашр этилиб, инглиз, француз, олмон, форс, турк ва бошқа тилларга ҳам таржима қилинган. Асарга ёзилган юздан ортиқ шарҳлар мавжуд. Мустақиллигимиз шарофати билан бу асар ўзбек тилида тўрт жилдли китоб ҳолида нашр этилди.

Бу дурдона асар қарийб ўн икки асрки олиму уламолар томонидан ислом дини таълимотида Қуръондан кейинги энг мўътабар манбалардан бири сифатида қадрланади. Имом ал-Бухорий пайғамбаримиздан содир бўлган ҳадисларни ҳар томонлама чуқур текшириб, илмий тадқиқ қилиш билан бирга ҳадис илмида ровийлар тарихини ўрганиш соҳасига ҳам асос солди, улар ҳақидаги тўлиқ маълумотларни тўплади.

Бу ишга Имом ал-Бухорий катта масъулият ва ўта ҳалоллик билан ёндошган. Шу тариқа саҳийҳ ҳадисларни англаш борасида биринчи маротаба муайян тартиб-қоидалар вужудга келиб, улар ҳадис илмида «Шурут ал-Имом ал-Бухорий» (Имом ал-Бухорий шартлари) ёки «Шурут саҳийҳ ал-Бухорий» («Саҳийҳ ал-Бухорий» шартлари) деган беш банддан иборат янги бир илмий йўналиш сифатида талқин этилади.

Имом ал-Бухорий ҳазратларидан бизга мерос бўлиб қолган «Саҳийҳ ал-Бухорий»да келтирилган ҳикматлар мажмуаси минг йиллар оша улуғ ғояга — иқтисодий фаровон, адолатли жамият қуриш, ҳар томонлама етук, маънавий комил инсонларни тарбиялашдек ўта муҳим ва ғоят олийжаноб мақсадга хизмат қилиб келмоқда. Шу боис ҳам Имом ал-Бухорий ҳазратлари ҳеч бир олимга насиб этмаган «амир ул-мўминийн фи-л-ҳадийс» («ҳадис илмида барча мўмин-мусулмонларнинг амири»), «имом ал-муҳаддисийн» («барча муҳаддисларнинг имоми, пешвоси»), «имом ад-дунйа» («бутун дунёнинг имоми») каби ўта шарафли эътирофларга сазовор бўлган. Она юртимиз номини жумлаи жаҳонга табаррук этган шундай буюк зотларга муносиб ворислар бўлиш бизнинг бугунги авлодлар учун ҳам улкан шараф ва катта масъулиятдир.

М. НУРИТДИНОВ: — Имом ал-Бухорийдек мўътабар зотнинг муборак исмларини маънавият тушунчасидан алоҳида тасаввур этиш мумкин эмас. Чунки алломанинг ҳаёт йўллари, илмий фаолиятлари, ижодлари, бизга қолдириб кетган илм дурдоналари ҳақиқий маънавий мерос обидаларидандир.

Имом ал-Бухорий бизга бой, қимматли илмий мерос қолдирган. Унинг асарлари ҳақида кўп мақолалар, асарлар чоп этилган. Унинг тўпламига киритилган ҳадислар фақатгина шариат аҳкомларига оид умумий қоидаларни акс эттириб қолмай, балки инсонларга хос барча хислат ва фазилатлар, аҳлоқ, таълим-тарбия ва бошқа ўнлаб-юзлаб қадриятлар тарғиботига бағишланган. Имом ал-Бухорий маънавий меросида ҳозирги жамиятимиз, айниқса, ёш авлод учун катта тарбиявий-маърифий аҳамиятга эга йўл-йўриқлар, ўгитлар ўз ифодасини топган. Масалан, Пайғамбаримиздан ривоят қилинадики, «Имон олтмишдан зиёд шўъбалардан — тушунчалардан ташкил топган, ҳаё эса ўшаларнинг (шўъбаларнинг) биридир». Кўриниб турибдики, «Имон» баъзи тоифа одамларнинг тор тушунчасига ўхшаган ва фақатгина калима келтиришдан иборат эмас экан. Ватанни севмоқ ҳам, илм ўрганиш ҳам, катталарни ҳурмат қилиш, тозалик ҳам имондандир. Бинобарин, «имон»ни ташкил этувчи тушунчалар, оддий қилиб гапирсак, ҳақиқий инсоний фазилатлардан ўзга нарса эмас экан. Ана шу фазилатларни ўзида тарбиялашга интилган одам, имонини мустаҳкамлаш йўлидан борган бўлади.

Яна бир ҳадисда ривоят қилиб айтилади: «Жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.) дан сўрадилар: Мўмин одам қўрқоқ бўлиши мумкинми? Айтдиларки: «Ҳа». Яна сўрадилар: мўмин одам бахил бўлиши мумкинми? Айтдиларки: «Ҳа». Яна сўрадилар: мўмин одам ёлғончи бўлиши мумкинми? Айтдиларки: «Йўқ». Хулоса қилсак, мўмин ва ёлғончи тушунчалар бир-бирига зид экан. Шу сабабли ўзини мусулмон ҳисоблаб, Аллоҳ кўрсатган йўлдан борувчи одамлар ёлғон сўзлаши асло мумкин эмас.

Имом ал-Бухорий тўплаган ҳадислар орасида бундай ибратлилари жуда кўп. Уларнинг ҳар бири замирида олам-олам маънолар ётибди. Буюк аллома меросининг замонавий аҳамияти, унда мужассам бўлган маънавий бойликларни, барча илмий-маърифий, маънавий-ахлоқий имкониятларни бугунги кундаги жамият ривожига жалб этиш, ёш авлоднинг тарбияси жараёнида фойдаланишда яққол намоён бўлади.

М. НУРМАТОВА: — Миллий маънавиятимиз ривожига алоҳида эътибор берилаётган, айниқса ўзаро меҳру-оқибат, оила, маҳалла каби асл шарқона қадриятлар қайтадан тиклана-ётган ҳозирги кунларда анжуманимиз бағишланган аллома юртдошимиз ғояларининг қадр-қиммати янада ортиб бориши табиийдир. Имом ал-Бухорий тўплаган ҳадиси шарифларда оила ва турмуш муносабатларига кенг ўрин берилган. Бу ҳадислар бугунги кунимиз учун айниқса муҳимдир.

«Ал-Жомъе ас-саҳийҳ»да ота-она, ака-укалар, ҳатто мушриклар қаторида бўлсалар ҳам уларга мурувват қилиш тўғрисида шундай ҳадислар мавжудки, улар турмушда баъзан учраб қолаётган салбий ҳолларга қарши курашда биз учун бебаҳо дастуриламалдир. Масалан: Асмо бинти Абу Бакр ривоят қиладилар: «Онам мушриклар бирлан мусулмонлар ўртасида сулҳ тузилган даврда (мени кўргани) келдилар. Онам мушрика (ҳануз исломга кирмаган) эрдилар. Ўша пайтда Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга: «Онам мени соғиниб келибдилар, мурувват кўрсатайми, нима дейсиз?» дедим. Жаноб Расулуллоҳ: «Ҳа, онангга мурувват қил!», деб жавоб қилдилар.

Бундан кўринадики, сизу бизни яратган Парвардигор ҳар қандай шароитда ҳам ота-она, ака-ука, қавм-қариндошларимизга нисбатан мурувватли бўлишни буюрган эканлар.

Исломиятда нафақат оилавий ахлоқ масалалари ёки қариндош-уруғчилик ва қўни-қўшничилик одоби, балки ахлоқнинг барча қирралари батафсил қамраб олинган. Муайян бир шароитда пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламдан «Ислом нимадир?» деб сўраганларида «Ислом бу ахлоқдир», деб жавоб берганлари ҳам бежиз эмас.

Шунинг учун ҳам ислом дини ақидаларини мукаммал билган ва ҳаётда унга қатъий амал қиладиган эътиқодли кишиларнинг аксарияти ўта мулойим, беозор, камтарин, сабр-қаноатли, меҳнаткаш, ҳалол, тўғри сўз, олижаноб ва хушфеъл бўладилар. Қуръони карим ва ҳадис илмини мукаммал билган ва бу муқаддас китоблардаги мўътабар ақидаларни ўз қалбига мустаҳкам жо этган улуғ шоиримиз Алишер Навоий:

Бир дирам топмоқ кучила дасти панж
Яхшироқ андинки биров берса ганж,

— дея ёзадилар.

Имом ал-Бухорий тўплаган ҳадислардан ўрин олган оила ва ахлоқ хусусидаги ҳикматлар бугунги ҳаётимизда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан 1998 йил — «Оила йили» деб эълон қилинганлиги бунинг ёрқин далилидир. Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳалла, қишлоқ ва шаҳарларда тинчлик, хотиржамликка эришилса, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради.

У. САЛМОНОВ: — Кўпмиллатли ва кўпэлатли тинчликсевар, бағри кенг Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллат вакилларининг нияти буюк боболаримиздан мерос қолган улуғвор инсоний ғоялар ва маънавий қадриятлар атрофида бирлашиб буюк келажакни яратишга ўз улушини қўшишдир. Ўзбекистоннинг бугуни ва истиқболига бой маънавий мероси билан беназир хизмат қилаётган улуғ сиймолардан бири Имом ал-Бухорий бўлиб, бутун ислом оламида катта шуҳрат қозонган бу алломанинг ўлмас даҳосидан баҳраманд бўлиш биз учун катта бахтдир. Энг муҳими, Имом ал-Бухорий мероси бошқа муштарак маънавий қадриятлар қаторида халқларни ва мамлакатларни яқинлаштирадиган маънавий кўприклардан ҳисобланади.

Бизнинг турк миллий-маданий марказимиз ҳам буюк бобомиз Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллик тўйлари муносабати билан хайрли тадбирларни режалаштирган. Жумладан, марказ фаоллари бошқа миллий-маданий марказлар вакиллари билан биргаликда Самарқандга сафар уюштириб, Имом ал-Бухорий мақбарасини зиёрат қилмоқчимиз. Шу ерда ул зоти шарифнинг хотирасига бағишланган бир маросим ўтказиб, бобокалонимизнинг руҳларини шод этиш ниятидамиз. Қолаверса, хайрия тадбирларини марказимиз ёшлари учун доимий анъанага айлантириш мўлжалланмоқда. Токи ана шундай анъаналар ёшларимиз қалбида Ўзбекистоннинг олис тарихига, улкан маданиятига нисбатан меҳр-муҳаббат туйғуларини жўш урдирсин, ҳар қандай диний мутаассибликни рад этадиган комил инсонларни тарбиялашга ёрдам берсин.

С. ИНОМХЎЖАЕВ: — Имом ал-Бухорийнинг муборак номи Ўзбекистонимиз, миллатимизнинг рамзи бўлиб қолди. Бу ерда таъкидлаб ўтилганидек, Имом ал-Бухорий асарлари, хусусан, «Ҳадис»лар жаҳондаги юздан ортиқ тилларга таржима қилинган ва унга шарҳлар битилган.

Бу улуғ мероснинг ўзбек тилига таржимаси ҳам муваффақиятли чиқди. Улар қайта-қайта нашр этилиб, халқимиз томонидан катта муҳаббат билан ўқиляпти.

Имом ал-Бухорийнинг «Ал-Жомъе ас-саҳийҳ» асарини рус тилига таржима қилиб нашр этиш ҳам маълум аҳамиятга эга. Ҳозир «Ҳадис»ларнинг рус тилидаги таржимаси яратилмоқда.

Шуни айтиш керакки, республика Байналмилал маданият марказида ўтказилаётган Аҳмад ал-Фарғоний, Имом ал-Бухорий юбилейлари билан боғлиқ анжуманлар илмий-амалий жиҳатдан ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўляпти. Бу анъанани давом эттириш ҳар жиҳатдан фойдалидир.

У. ОЛИМОВ: — Муҳтарам Президентимиз Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуи қурилишини бориб кўрганларидан сўнг зиёратгоҳни таъмирлаш ва ободонлаштириш билан боғлиқ ишлар янада жонланиб кетди.

Ҳозир барча қурилишлар режа асосида олиб борилмоқда: марказий пештоқ қад ростлади, яшил гумбаз ўрнатилди, икки ён томондаги биноларнинг ташқи деворлари мармар билан қопланиб, мехробий услубдаги дераза панжаралари ўз кўркини намоён қилмоқда.

Ҳовли тўрида жойлашган мақбара гумбазининг ташқи томонлари кошинлар билан сайқалланиб унинг ички томонлари безалмоқда.

Чинорлар остидаги қадимий ҳовуз ўз аслига қайтарилиб атрофлари ям-яшил чим билан қопланди. Ҳовли саҳнидаги барча йўлаклар атрофи ҳам чимзор қилинмоқда. Ҳовли саҳнининг ўнг тарафидаги катта фавворага мармар қоплаш ишлари ниҳояланиб, унинг устки қисмига сайқал берилган қора мармарлар ўрнатилди.

Улуғ алломанинг ёдгорлик мажмуи қурилишига мамлакатдаги барча вилоятларнинг уста ва меъморлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Ҳар куни жумҳуриятимизнинг турли жойлардан келган 200 дан ортиқ зиёратчи ҳашарчилар ва талабалар ихлос билан ёдгорлик қурилишида тер тўкмоқдалар.

Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуи қурилиши ўз миллий қадриятларини тиклаётган халқимиз бирдамлигининг, кўнглимиз равшанлигининг тимсолидир.

«Саҳийҳ ал-Бухорий» — Маккаи мукаррама, Мадинаи мунаввара ва Бухорои шарифда ўн олти йил давомида ёзилган, саккиз мингга яқин ҳадисларни жамлаган, 3450 боб ва тўқсон етти китобдан иборат тўрт жилдли асардир.

Ҳаж сафарига отланган ҳар бир одам, аввало, ўзини англамоғи керак. Ўзни англаш эса юртимиздаги табаррук жойлар зиёратидан бошланади.

Имом ал-Бухорий бутун мусулмон оламида «амир ул-мумминийн фи-л-ҳадийс» — ҳадис илмида барча мўмин-мусулмонларнинг амири, «имом ал-муҳаддисийн» — барча муҳаддисларнинг имоми, пешвоси, «имом ад-дунйа» — бутун дунёнинг имоми каби шарафли унвонлар билан тилга олинади.

Улуғ алломалардан мерос бўлиб қолган умуминсоний қадриятлар асосида ҳамкору ҳамжиҳат яшаб, Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишга ҳисса қўшиш юртимизда истиқомат қилаётган барча миллат вакилларининг муштарак мақсадидир.

Бешикдан қабргача илм ўрган, дейилган муқаддас китобларда. Зеро инсонни комилликка, маънавий етукликка ундовчи мўътабар манбаълардан баҳраманд бўлмоқлик, умр дафтарини улуғлар сабоғи ила безамоқлик одамизод фарзанди учун буюк саодатдир. Имом ал-Бухорий ҳазратларининг муборак тўйи шарофати ила катта анжуманга йиғилган аҳли зиёлилар бағоят якдиллик билан тилга олиб ўтганларидек, буюк муҳаддиснинг таълимоти, у зоти шариф амал қилган ва сизу бизга маънавий мерос сифатида тортиқ этиб кетган инсоний комиллик сарчашмалари — Жаноб пайғамбаримиз ҳадислари кўнгил ойинамизга равшанлик бахш этгувчи улуғ бир неъматдир. Бу сабоқлар йўлимизни ҳам, онг ва шууримизни ҳам мунаввар этгусидир.

Анжуманда сўзга чиққан алломалар, илм ва дин пешволари, жамоатчилик намояндалари пок эътиқод ила иймон келтирганларидек, озод Ватанда буюк келажакни яратар эканмиз, у улуғ саодат биносини қадамба-қадам барпо этиб борарканмиз, Имом ал-Бухорийдек зоти шарифларнинг маънавият дарёларидан баҳрамандлик кучимизга куч қўшади. Собиқ мустабид тузум йилларида кўнглимизга, кўникмаларимизга, ҳаёт тарзимизга инган чангу — ғуборлардан фориғ бўлиб, йўлимизни поклаб боришимизда ҳамиша эзгу ҳамроҳ бўлади. Бу йўл — ўзни англаш, тафаккурни чархлаш, риёзат чекиб маънан комиллик манзилларига интилмоқлик йўли. Ўзни англаш эса, юртбошимиз йўл кўрсатганларидек, она Ватандаги табаррук жойларни, улуғларнинг қадамжоларини зиёрат этишдан бошланади. Пок эътиқод ва тушуниб етилган ақл-идрок ила қилинган зиёрат инсон фарзандининг йўлини ҳамиша мунаввар манзилларга бошлайверади.

Имом ал-Бухорий ҳазратларининг маънавий мероси билан ошнолиг эса онг ва тафаккуримизда, турмуш тарзимизда, ҳаётдаги қадамларимизда давом этаверади.

Мурод АБДУЛЛАЕВ тайёрлади

ЖОНКУЯР УСТОЗ

«Бир ёш ёзувчи ёзган ҳикоясини менга ўқиб бериб, фикримни сўради. Мен ҳикояни маъқуллама-дим, камчиликларини кўрсатдим. Ёш ёзувчи ҳикоянинг камчиликларини кўрсатганимда хурсанд бўлди, лекин ҳозир босиб бўлмайди, деганимга хафа бўлди.

«Сиз 20 ёшингизда, адабиётга энди қадам қўйган вақтингизда ёзган ҳикояларингиз бундан яхшимиди?», деди. Мен: «Йўқ, бундан неча ҳисса ёмонроқ бўлган эди», дедим» (Абдулла Қаҳҳор, «Ёшлар билан суҳбат»).

Ҳа, Абдулла Қаҳҳор ҳақиқий таланти бор ижодкорга-гина оқ йўл тиларди. Унга бажонидил ёрдам берар, ҳатто асарни ўзи таҳрир қилиб, нашриёт билан ҳам гаплашарди. Ёзувчининг «Ёшлар билан суҳбат» китобини ўқиганимизда, бунга яна бир карра ишонч ҳосил қиламиз. Ёзувчи ижодда талабчан бўлганидек, устозликда ҳам шундай талабчан эди. У ёшларга ғамхўрлигини аямаган, вақти келса қаттиққўллик ҳам қилган. Адибнинг ёшлар ижодига алоҳида эътибор бериши бутун бир авлод ёзувчиларига самарали таъсир этди. Устоз-ёзувчи адабиётга адашиб кириб қолганларга ёки ёзувчиликдан машҳур бўламан деб енгил-елпи ўйлайдиганларга одиллик билан йўл кўрсатди, адабиёт эрмак эмаслигини уқтириб, ижод катта қобилият, тинимсиз меҳнат, изланиш ва кучли билим талаб этажагини айтди.

Бугунги кунда халқимизга манзур бўлган ёзувчиларимиз Саид Аҳмад, Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафиддинов, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Шукур Холмирзаев, Учқун Назаровларнинг ижодий тақдирида Абдулла Қаҳҳорнинг хизмати катта.

Устоз ва шогирд муносабатлари бугунги кунимиз учун ҳам муҳим. Қайси соҳада бўлмасин, ёш ижодкорни қўллайдиган, йўл-йўриқ кўрсатадиган инсон, албатта, устоз саналади. Шу маънода ёзувчи уй-музейида сақланаётган хатлар устоз ва шогирд ўртасидаги ижодий муносабатларнинг ҳақиқий гувоҳи. Ушбу хатларнинг ёзилганига бир неча ўн йиллар бўлган. Хат муаллифлари ўз машқларидан намуналар юбориб, уларни устознинг назаридан ўтказишни, адабиётга илк қадами ҳақида икки энлик хат орқали фикр билдиришни сўрашган. Ёзувчи, албатта, бу хатларни бирма-бир ўқиб, уларга жавоб ёзиб, ўз фикрларини билдирган. Мана, ўша хатларлан айримлари.

* * *

«Домла Абдулла Қаҳҳор!

Мактубингизни олганимга, мана, роппа-роса ўн ой бўлди. Домла, худди шу хатингиз келган кезларда ўзим дидига ишонч ва ҳурмат билан қарайдиган бир устоз танқидчидан ҳам сизникига ўхшаш фикр эшитгандим. Бунинг устига ўзим ҳам «Тўлқинлар»дан қаноатланмаган, лекин нимасидан Гарчи мендан жавоб кутмаган бўлсангиз ҳам мен шундай ўйлайман: жавоб ёзишим керак эди, меҳрибон устозга миннатдорчилик билдиришим керак эди... қаноатланмаганимни билмай келар эдим... демак, бир гап бор, у нима, нима? Шуни топсамчи? Сўнг шу асосда «Т»ни қайта ишлаб, сўнг шу ишланган нусхаси билан бирга жавоб хатни ҳам ёзсам-чи? Қачон қўлимга олмай, шу ўй келаверди. Оқибат бу ўй менга маъқул тушди, ишга ўтирдим. Назаримда, ўша бир нарсани топдим ва у «Т»нинг оҳангидан тортиб, нуқта-вергулигача таҳрир киритиб юборди. Бу эса энди буниси менга шунақаям маъқул тушиб кетдики, «Т»нинг журнал нусхасини бир четга йиғиштириб қўйиб, қайта бошдан бошладим.

Мана, тугатдим ҳам, нашриётда китобча ҳам бўлиб чиқди. Мана, сизга юборяпман... Мана, ниҳоят, ўша жавоб хатни ёзаяпман.

Айтмоқчи, бандиролни очишингиз билан кўзингиз тушади: повестнинг номи ўзгаришсиз қолдирилган.

Домла, матбуотда «Т», «Т» деб тилга олинганидан, отнинг қашқаси бўлиб кетдики, кейин яна ўзгартишни лозим кўрмадим... Шогирдингиз Шукур Холмирзаев, 27.12.1963 йил.»

* * *

«Абдулла ака!

Аввало салом! Кечирасиз, қимматли вақтингизни оламан. Сизнинг 7 октябрда ёзган хатингизни 9 октябрда олдим. Раҳмат. Сиздан хат олганимга шундай хурсанд бўлиб кетдимки, буни тасвирлаш қийин. Ҳатто севганимдан кўзларимдан ёшлар чиқиб кетди. Қимматли маслаҳатларингизга бундан бўён амал қиламан. Мен сизга газетада эълон қилинган шеъримни юборяпман. Салом билан М. Қаюмов. Оҳангарон. 1953 йил.»

* * *

«Салом домла!

Ниҳолни парвариш қилиб вояга етказиш учун шароит билан бирга, жонкуяр боғбон бўлиши ҳам керак. Ахир, сиз ҳам Чехов боғида ўсиб, вояга етдингиз! Чеховнинг 100 йиллик юбилейига бағишланган кечада «домла Чехов», деб эътироф этдингиз.

Домла, сиздан илтимос, менга йўл-йўриқ кўрсатинг.

Андижонлик Холиқжон Холматов.»

* * *

«Салом Абдулла Қаҳҳор!

Сизнинг ижодингиз ўзбек халқининг фахри, ишончидир. Чунки сиз ўзбек тилининг бой хазинасидан фойдаланиб, ўзбекнинг қалбини қувонтирмоқдасиз.

Абдулла ака, агар А. П. Чехов тирик бўлганида, Сиздек ўзбек шогирди билан фахрланарди. Сизга соғлиқ, ижодингизга барака тилаб, мухлисингиз Худойберган Олдоёров.»

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,
ТошДУ аспиранти

СУРАТДА: севимли устоз Абдулла Қаҳҳор шогирдлари Шукур Холмирзаев, Илёс Муслим ва Қудрат Ҳикмат билан янги асарни муҳокама қилмоқда. 1964 йил.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

ЎН БИРИНЧИ ЭШИК

(ҳикоя)

Чеки-чегараси кўринмас ва сўлим бу истироҳат боғида сайру саёҳат қилиб юрганлар ҳисобсиз эди. Кексаю ёш, эркагу аёл ўзи билан ўзи овора. Ҳеч кимса, «Нима қилиб юрибсан? Қаёққа кетяпсан?» деб сўроққа тутмайди, биров бировга ола қарамайди. Истасанг — баҳайбат ва сершох дарахтлар соясида ҳордиқ чиқар, ҳушингга келса — суви жимирлаб кўзни олаётган кўл ёқалаб сайр қил, яна истасанг — тангадек соя тушмайдиган сайҳонликка чиқиб офтоб тигида баданингни тобла...

Йўқ, Расул ҳамма қатори боғнинг жаннатий неъматларидан баҳра олиб сайру саёҳат қилиб юравермайди, унинг тоқати тоқ бўлаверади, ўзини қўярга жой тополмайди, бундайин мужмал кайфиятига истироҳат боғи айбдордек атрофга ўқрайиб аланглайди, аламини ичига ютиб... ҳаловат истайди. Бўғзини тў-ўлдириб ҳаво ютади ва ҳаво аралаш ичига... ҳаловат тўлгандек бўлади, унга қўшилиб ўзи ҳам... ич-ичидаги ҳаловат қаърига шўнгиги келади...

«Ҳаловат нима, ўзи? Бошига урадими, ҳаловатни?! Аслида беҳаловатлик — тириклик аломати-ку?!. Шу-унча нарсага фаросати етган йигит барчага аён ҳақиқатга келганда аҳли ноқислик қилса?!. Ахир ҳей, бандаи мўмин, беҳаловатмисан, демак, яшаяпсан, тушуняпсанми, ўзи?!. Ҳаловатга етишиш нима эканини наҳотки фаҳмламасанг, Расулжон?!. Мутлақ ҳаловат ғўшаси қаерда насиб этажагини кўз ўнгингга келтиргин: ўнг кафтинг — кўксингда, хотиржам, ёруғ оламнинг сенга меҳрибон қўллари кўмагида бетинг қиблага мойил... ҳаловатнинг ўзгинаси, янаям аниқроғи... сочинингнинг учидан то оёғинг учигача «тирик» ҳаловат бўлиб узала тушганча ётибсан. Тиқ этган шовқин йўқ, ҳатто нафас олишинг ҳам эшитилмайди... Бирон кас-нокас ҳузурингга қадам босмайди, дағдаға қилиб тепангга келмайди, негаки, дунёнинг кўҳна ҳикмати шу — нечоғли чароғон хонада ўтирсанг қадам ранжида этувчилар шунчалик кўпаяди, эгалаган хонанг ғариб, нурсиз ва қоронғи тортгани сайин эса оёқлар тийилаверади.

Ётган хонанг шундай: бу масканнинг мутлақ соҳиби ўзинг — бу ерга ҳеч ким қучоқ-қучоқ дарди-ҳасрат халтасини кўтариб келиб, қопқоғи ёпилмаслик дардига йўлиққан миянгга тўкиб кетмайди, шовқин кўтармайди, гоҳ узундан-узун дуолар қилиб, гоҳ... сўкиниб хонангни тарк этмайди. Қулоғинг шангиллашидан безор бўлиб қочгани жой тополмай ўтирганингда қатор-қатор телефон нағма қилмайди ҳам. Буларнинг бари унутилиб, янгигина қазилган тупроқ иси, оҳори тўкилмаган оқ сурп ҳиди омихталаниб димоғингни қитиқлайди...»

Расул синиқ жилмайди. Тақдир ўша гўшага етказса — димоғинг ҳиди сезмаслиги муқаррарку-я, илло ўз ҳолингга қўйишармикан?

У ўз ҳолига қолиш ҳақида кўп ўйлайди, истироҳат боғининг овлоқ бурчакларига бош олиб кетади... кимсасиз сўқмоқлардан йўл юрса-да мўл юриб кўпдан буён кўз остига олиб қўйган эшик ёнига етди. Энг сўнгги русумдаги майда, серкўз тахта эшик, янгигина бўёқдан чиққан, кўринишдан баҳайбат кўринса-да, қушдай енгилга ўхшайди — бармоғингни теккизмасингдан очилиб кетадигандек... эшикдан ўтган замонинг ўз ҳолингга қоладигандек...

Одам боласи ўз ҳолига қолиш қўйида бунча бошини метин деворга уравермаса?..

Расул мулойим қайсарлар тоифасидан эди, шу боис, беш миллиард банда жўр бўлиб, «Девор бор!» деб ҳайқирган тақдирда ҳам у «Йўқ!», дея рад этишга иродасибардоши етар эди, бироқ, Башорат — чеҳрасидан сутдек нур таралгувчи Башоратой «Девор бор, Расул ака» дедию, Расулбойнинг имон-эътиқоди дарз кетди. «Башорат хасталиги» ундаги қатъияту ишончни синдирди. Башоратойнинг ҳар лутфи карами унинг учун мутлақ ҳақиқат, ҳар боқиши мутлақ жозиба тимсолига айланди.

Қизнинг «Бунчалик хаёлпарастсиз, Расул ака, ҳамма ёқда девор бор», деган гапи унинг бисотида қолган сўнгги ҳаловат томчисини парчалаб юборди. Назарида Башоратой айтган девор топилса иккови ўша деворнинг икки томонида қолиб кетадигандек юраги симиллаб оғриди. Вақоланки, Расул қизнинг оппоқ билагидан, хипча белидан авайлаб қучиб боғни гир айланишни, эпини топса қанот ёзиб осмонларга парвоз қилишни ва тиним билмай, «Қани девор? Девор йўқ, жоним!» дея севгилисидан суюнчи сифатида дилбар ўпичлар олишни дилига тўғди. Тўғдию... дилидаги тўғун ечилиши ўрнига...

У эшикка аста қўл чўзди, бармоғини, сўнг муштини босди, назарида эшик шовқинсиз-несиз ланг очилиб кетадигандек эди, тасаввури алданганини дарҳол пайқади, таниш-билиши кўриб-нетиб қолгудай бўлса кулгили аҳволга тушажагини ўйлаб дарҳол эшикдан нари кетди. Бирмунча олислашиб улгургач, аста ўгирилиб эшик томонга ўгринча қаради, сервиқор ва жимжимадор эшик унинг устидан кулгандек бўлди.

— Ёш боладан батар хаёлпараст экансиз, — деди Башорат унга. Қиз шундай деганида унинг юзида ачиниш, афсусланиш ва фахрланиш аломати сезилди.

— Мен хаёлларимда яшайман, — деди Расул мамнунлик билан.

— Ҳеч қачон ҳаётга айланмайдиган хаёлларингизда, шундайми?..

Қиз ҳар сафар шундай деса, Расулнинг нафаси ичига тушиб кетар эди, бу сафар у бўш келмади:

— Эшикни тогдим-ку?..

— Очилмайдиган эшик!..

— Очилади...

Башорат яйраб кулди.

— Хўп, майли, эшикни топдингиз, шундайми?

— Топдим.

— Демак, деворни кўрдингиз, шундайми?

Расул шошиб бош чайқади.

— Йўқ, — деди ҳовлиқиб. — Девор кўринмади!..

Башорат қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди. Йигит қизнинг кулгисида тақдирга ожизона тан беришни эслатувчи ҳазинликни сезди. Унинг юзини кафтлари орасида тутиб, ўзига қаратди.

— Менга қара, — деди у астойдил илтимос қилиб. — Тушунолмадим. Хўп, ҳаммаси сен айтганингча бўла қолсин, девор борлигини тан ҳам олайлик, фақат шундан сен хурсандмисан ёки?..

Расул гапини охирига етказолмади. Башорат ялт этиб унга кўз қирини ташладию, ўша заҳоти яна бошини ҳам қилди. Орадан пича фурсат ўтгач у мулойим, лекин рад этиб бўлмас ишонч билан гапирди:

— Менинг хурсанд ё хурсанд эмаслигимнинг аҳамияти йўқ, девор борми — бас, биз у билан ҳисоблашмоғимиз шарт.

— Бўйсунишимиз шарт, демоқчимисан?

— Ҳм...

— Бошқалар ҳам шундай ҳисоблайдиларми?

— Бошқалар... биз мавжудлигини тан олишни истамаётган энг шафқатсиз девор — бошқалар-да!..

— Ҳеч ким.. биронтаси ҳам тушунмайдими, бизни?!.

Башоратнинг лаби пирпираб кетди, лекин сир бой бермади. Оғиз жуфтладию, йигитнинг саволига жавоб қайтармай, елка қисди. Бу сўзсиз иқрор Расулга бамисоли ҳукмдек оғир ботди, қизни етаклаб «Арғамчизор» ортидаги дарвоза томон жадал йўл олди. Башорат Расулга заррача қаршилик кўрсатмади — у етаклаган томон кетаверди. Бу — унинг йигитга нисбатан буткул ишончининг белгиси эди. «Сиз билан дунёнинг энг олис бурчакларига кетиб қолишга тайёрман» деб неча бор айтди ҳам.

— Шундай экан нега бунчалик деворлардан ўта олмаслигимизни, деворлар олдида ожизлигимизни пеш қилаверасиз, — жониқиб, ҳатто норозиланиб сўради Расул. — Одам ожизман дегани сайин ожизлиги ўн чандон кўпайгандан-кўпайиб бораверади, бундай умидсизлик билан девор оша ўтолмаслигимизни муқаррар қилиб қўясиз-ку...

«Арғамчизор» томондан бола-бақранинг қувноқ ва шўх қийқириғи эшитилиб турар эди.

— Ҳамма ўзи билан овора, — шивирлади Расул, гўё тил бириктириб қочишаётгандек маъшуқасининг қулоғига энгашиб.

— Лекин дарвоза тақа-тақ...

Расулнинг ич-ичидан кўтарилган ҳарорат бетига, ундан бошига тепди, чаккаси лўқиллаб оғриди. Дарвозанинг темир гардишли тавақасини оёғининг учи билан туртди, чунки у қучоғидан чиқарса бировлар тортиб кетадигандек хавотирда икки қўллаб қизни бағрига босди, уни қўлига кўтариб олишга шайланди. Бироқ дарвоза тавақаси қимир этмади...

— Юринг, бу ерда турмайлик, — деди ўша заҳоти Башорат.

— Шошилманг, сен... сиз ошиқмай туринг.

Расул амирона оҳангда овозини кўтарди, буни Башорат ўзига оғир олмади. Расул худди узоқдан югуриб келиб дарвозага калла урмоққа шайланган қўчқордек ортига тисарилди. Башорат завқланиб кулди. Йигитни қўлтиқлаб, унинг яноғидан енгилгина ўпди. «Одамлар қараяпти, бизга» деди шивирлаб.

— Қараса қарайверсин, — жеркиди Расул, хуноби ортиб. Башорат жиддий торди.

— Қизиқсиз-а, Расул ака... «Девор, дарвоза» деяпмизу... мана шу одамлар-да, — девор!.. Икковлашиб қўл ушлашиб юришимизни ким тўғри тушунади, ахир? Дарвозаю эшиклар — одамларнинг юраги, қалби — мана шу юрак ва қалблар тушунсагина дарвоза тавақалари очилган ҳисобланади биз учун!..

Расулнинг кўксида қандайдир жондор питирлаб, ўзига қўшиб Расулни учириб кетгудек қанот қоқди. Расул Башоратнинг ўхшатишини эшитиб энтикиб кетди, ўзини йўқотиб қўйди ва... қизнинг бетидан, яноғидан, бўйнидан устма-уст ўпди, бирдан чўк тушиб, унинг билаги, бармоқларини кўзига босди, энкайиб, тиззаларини қучди.

— Вой, бу нима қилганингиз? Туринг! — деди Башорат икки қўллаб Расулга ёпишиб. — Ҳамма қараяпти-я!..

Расул қаддини ростлай туриб атрофга аланглади, сайру саёҳат қилиб юрганлар, югуришиб-қувлашиб ўйнаётганлар, чақчақлашиб сухбат қураётганлар — ҳар бир одам кўзига девор бўлиб кўринди. «Башорат тўғри айтди, — хаёлига эрк берди Расул. — Ҳар одам бошқа одам учун — девор! Икки оёқли, жонли девор, ҳаракатланувчи, фикрловчи, гапирувчи, бошқаларни тушуниб... тушунмовчи девор...»

— Яхшилаб, самимий тушунтирсанг одамлар тушунади, — деди дилидагини тилига кўчириб.

— Нимани тушунади?

— Бизнинг муҳаббатимизни.

— Муҳаббатни тан оладими, одамлар, Расул ака?

— Башоратой, мен, биласизми?.. Биласанми, Башорат, мен би-ир-р кун кўрмасам, би-ир-р соат телефонда овозингни эшитмасам тутқаноқ касалига йўлиқишимни, неча-неча тунларни бедор ўтказишим, соғинч азобидан жигар-бағрим тилкаланиб кетишини шу-ундай айтиб, ҳикоя қилиб бераманки, менинг изтиробларимдан энг ғалча, суқимтабиат одамнинг ҳам юраклари сел бўлиб оқади ва ниҳоят мени... бизни тушунади.

— Ва устимиздан кулади... — илова қилди қиз.

— Нега, нега кулади? Ахир...

— Ахир... Қизиқсиз-а, Расул ака, — мулойимлашди Башорат. — Ўзингиз нима деган эдингиз?

— Нимани? Қачон?!.

— «Бундай муҳаббат камдан-кам одамга насиб этади» демаганмидингиз?

— Айтгандим.

— Демак, сиз билан бизнинг кўнглимиздан кечганини ҳам жуда камдан-кам одам самимий ҳис қила олади. Қани, қаерда ўшандай одам, қаердан излайсиз, қаердан топасиз?..

Расул кўлга сув қуйилиш томонда темир панжарадан ясалган эшик борлигини эшитган, ҳатто уни ўз кўзи билан кўрган ҳам эди. Негадир, шу дарвозани эсладию, ичида умид чироғи ёнди. Назарида ҳозироқ етиб борса, Башорат билан қўл ушлашиб чиқиб кетадигандек, чиқиб олса жуфт-жуфт бўлиб осмон-осмонларга парвоз қилган оққушлардек ер юзининг э-энг жаннатмонанд гўшаларига бориб қўнадигандек...

Узоқдан темир панжарали дарвоза кўринганида Расулнинг юраги ҳаприқиб кетди.

— Тез, — деди ҳовлиқиб, — ана, кўряпсанми, одамлар бемалол кириб-чиқяпти. Биз ҳам, ҳозироқ етиб борамизу.

Етиб боришди ҳамки, дарвоза тақа-тақ юзига ёпилди. Расул панжарани чангаллади, қўпориб ташлагудек куч билан силтади, дарвоза шарақладию, қилт этмади. Шунда у бир ёнда жилмайиб турган ўрта ёшлардаги дароз бўйли кишини кўрди.

— Ҳа, ука? — сўради дароз бўйли киши ҳамон жилмайган қўйи.

Расул унинг ёнига югуриб борди, оёғининг учида чўзилиб амакининг қулоғига шивирлади. Амакининг юзи ёришиб кетди, унга қўшилиб Расулга жон кирди ва бирдан... амакининг афти тундлашди.

— Шу ёшга кириб севги-певги нимайканини билмабман, оқуси, мана, ўлиб-нетиб қоганим йўқ, қайтага опоқинг саккизтасини туғиб берган...

Расул бир сапчидию, ўзини Башоратнинг ёнида кўрди, ўзини унутиб, қизни авайлаш ниятида унинг қўлидан тутди. Қизга андармон бўла туриб амаки томон ўқиди:

— Муҳаббатсиз оилада туғилган саккиз фарзандингизга ачинаман!..

У яна нимадир демоқчи эди, қиз билагидан тутиб тортганича гапиришга қўймади.

— Йиглаяпсанми, Башорат? — сўради Расул жаҳлидан тушмаса-да, хавотирланиб.

Башорат бошини сараклатди.

— Нега унда хомуш тортдинг, жоним? — энди астойдил куйиниб сўради йигит.

— Расул ака, бунчалик соддадил бўлмасангиз?..

— Соддалигимдан куляпсизми?

— Сизнинг устингиздан кулсам, шу ерларда етаклашиб юрармидим!..

— Юринг, ҳозир музқаймоқ олиб бераман, ҳар хилидан, му-ўздай, ширин-н-н! Мазза қилиб... едириб қўяман.

Башорат яйраб кулди.

— Мен сизга ёш боламанми?

— Мен сизга ёш боламан.

— Ҳамма қатори...

— Биз ҳамма қатори яшай олмаймиз, шундай-а, Башорат?

— Кўнглимиз шуни истайди.

— Ўзимиз-чи?.

— Ўзимиз... — Башорат жим бўлиб қолди, атрофидан ўтаётган одамларга беҳис-бемақсад термилди.



Расулнинг йигитлик ғурури поймол бўлган эди. Башоратнинг бир сафар хомуш тортишига арзимайман, деб ўзини-ўзи қойиди. Қанчалик машаққат эса-да, Башоратни ўз муҳаббатига ишонтира ололди-ку, шундай бўлса-да, назарида у Расулнинг қайноқ муҳаббатини унутиб қўяётгандек туюлар, бунга сари ҳар учрашганида «Ишдан гапирайми?» деб сўрар, Башорат, «Гапиринг» дер, шунда Расул, «Ишқдан-чи, ишқдан? Ишни қўяйлик, ишқдан суйлайлик», деб хиргойи қилишга тушар, бундан Башорат дам самимий кулади, дам... Расулнинг бундай қилиқлари ўзига бачкана туюлади, кечаю кундуз хаёлларини ишғол этган қиздан уялади, қайтиб бундай изҳорлар қилмасликка аҳд боғлайди, аҳд боғлаган заҳоти...

— Ҳалиги катта ёзувчи бор-ку, — деди ёзувчининг исмини атай тилга олмай. — «Шунча йил бирга яшаб, хотинимга бирон марта «севаман» демаганман», — деб гердайгани-гердайган.

— Аёл кишининг қалбини тушунмай туриб қандайига катта ёзувчи бўла олади, — бепарво жавоб қайтарди Башорат, хомуш тортиб...

Бу гап Расулга қанддек ёқди.

— Сиз-чи?.. — Башорат саволини охиригача айтмади.

Расул бундай саволга жон-жон деб жавоб берди:

— Мен «Мен сени севаман» деган сўзни миллион марта айтаман. Айтганда ҳам миллион оҳангда айта оламан!..

— Шунинг учун ҳам сизни ҳеч кимга раво кўрмайман, — деди Башорат ҳаяжонини яширмай.

Расул боғнинг энг чекка-чеккаларига, овлоқ бурчакларигача борди, ёлғиз ўзи пойи-пиёда кезди, учинчи, тўртинчи, бешинчи эшикларни бориб кўрди, эшик оғалари билан тил топишиш чорасини излади, бироқ ҳар сафар умиди пучга чиқаверди, умидсизланганида ва унга қўшилиб Башорат ҳам тушкунликка тушганида бирдан сапчиб, ўрнидан ирғиб турар, «Йўқ, топамиз, бизни, бизнинг самимий ва бокира туйғуларимизни тушунадиган ва бизни қўллаб-қувватлайдиган, бизга оқ фотиҳа берадиган инсон топилади, ана ўша инсон биз учун очилган эшик ҳисобланади!», деб ҳайқириб, ҳаяжонланиб гапириб ташлайди.

— Ўзи боғда нечта эшик бор? — сўради у бир куни тўсатдан.

Башорат жавоб бермай елка қисди.

— Боғда юрибмиз-ку, бунча ташқарига интилавермасак, Расул ака? — деб савол қотди.

Расулга худо берди.

— Мен боғда эмин-эркин юришимизга қаноат қилолмайман, биз ҳамма жойда — боғда ҳам, шаҳарда ҳам, уйдаю кўчада ҳам ўйнаб-кулиб юришимиз... яшашимиз керак. Тушуняпсанми, Башорат, боғда қанча одам бўлса — биз учун уларнинг ҳаммаси эшик, очилмаган ва очилмайдиган эшик!

Расул ҳар сафар қизга тинмай далда берар, қачондир эшиклардан бирортаси очилишига уни ишонтиришига амин эди, амин эдию, баъзан кўнглининг туб-тубидаги тушкунлик, чорасизлик ва мискинлик унинг жисми-жонини қўшиб ерга босаётганидан қочгани — жой, айтгани — сўз тополмай қолар эди. Шундай кайфиятда ҳам у оёқларига дам бермас, боғ ғалиниб тавақаси ланг очиқ эшик излар эди. Олтинчи эшикнинг олдига уй баравар шох-шабба уюб қўйишибди, еттинчи эшик йўлаги жимжит, одам шарпаси ҳам кўзга ташланмади. Расул ҳайрон бўлди, «Етдим топдим» деди ичида севиниб, бироқ унинг севинчи узоққа бормади.

— Ҳа, ке, ука, — деган товуш қулоғига чалинди, товуш эгасини тополмай аланглади.

— Ўзим, шунчаки айланиб...

Расул мақсадини айтиб улгурмай товуш эгаси унинг ҳафсаласини пир қилди.

— Бу ердан ҳеч банда ўзи юриб ўтмайди, кўплашиб кўтариб ўтишади.

— Тушунмадим, — деди Расул, сухбат асносида остонадан ўтиб кетишни мўлжаллаб.

— Сабр қил, ана, орқангга қара, бу ердан кимлар қандай ўтишини кўрасан.

Расул келган йўлига ўгирилдию, қуюндек тумонат ўзра оппоқ сурп ўралган тобут сузиб эшик томон яқинлашаётганини кўрди. Навбатдаги умиди ҳам чиппакка чиққанидан Башоратнинг башо-

Давоми тўртинчи бетда

ЖАМШИД

НУРЛАР ЧУЛҒАР РУҲИЯТИМНИ

Мен сени бир умр қидирдим, гулим,
Машраб чопонини елкамга ташлаб.
Ўтди гоҳ беҳтару гоҳ бебар куним,
Ўтади фасллар кўнглимни ғашлаб.

Ул кўзлар анис деб менким тикилдим,
Мунис туйғуларим сотдилар арзон.
Мен сенинг ёдингга яна чекиндим,
Дўстларим -- дарахтлар, улфатим -- хазон.

Қудратингни кўрсат, бўл энди довар,
Руҳсиз вужудимга жон ато этгил.
Кўлим чўзмакдаман, узатгил ёвар,
Юзимга дийдангнинг ёшларин сепгил.

Сени мен бир умр изладим, ҳануз
Бекасман, хаёлим қўним топмайди.
Дилимда на куй бор, тилимда на сўз,
Жавоб бер, гўзалим, қайдасан, қайда?

ххх

Толдим мен беадад қийноқларингдан,
Тўзиб кетди сабрим, тўзди бардошим.
Сенда раҳм бўлса, шафқатинг бўлса
Айта қол айтаринг, йиқилмай лошим.

Биргина мушкинбў ул сўзингни деб
Воз кечдим, тупурдим барига, ишон.
Покдомон хилқат --сен, бегуноҳим -сен,
Сен деб қаро бўлай, бўлай мен ёмон.

Бу қалбим, меҳрингга ташна бу қалбим,
Ҳажр ёмғирларин ватани нечун?
Ёдингда гуллари очилмай сўлар,
Ёдингда тун чўкар, оқаради тун.

Ул сўзингни юбор тутқазиб ханжар,
Бир юрак кам унга қасдинг бўлса гар.
Ул сўзингни юбор гул тутиб ёки,
Йўлларига тўкай жоним ҳар саҳар.

* * *

Сенга вафолардан сўз айтмайдирман,
Жонимни берарман заррама-зарра,
Севмак нималигин ноқис касларга
Кўрсатиб қўюрмиз гулим, бир карра.

Дунёнинг ярқироқ туслари бекор,
Юз бурдим, қалбингни мен меҳан қилдим.
Ишқсиз ватанпарвар бисёр шу чоғда
Махмур кўзларингни мен ватан қилдим.

Сенга садоқатдан эртаклар демам,
У тинч яшайверсин ўз қўноғида.
Севгидан лоф урган паст издиҳомнинг
Қотган юраклари турар оғзида.

Бўлди, бас, қистама, нўноқман гапга,
Шеър тинглашдан бошқа йўқмиди ғаминг.
Етмасмиди магар ўзингга ипсиз
Шоирнинг ўзини боғлаб қўйганинг?

ШЕЪРИЯТ

Мен сени ардоқлай олдимми, билмам,
Гарчи бедор ўтгай узун тунларим.
Умидим бор, бир кун бўйин уфуриб,
Қоғозларда қолиб кетмас унларим.

Рутубатли оқшом чекинар аҳбат,
Туманлар тарқагай осмонимизда.
Кўрашчан ниятлар яшаб, сўнмайин,
Жўшиб турар экан то қонимизда.

Майли, ғийбат қилсин ағёрларимиз,
Ошириб бору йўқ гуноҳларимни.
Сочларимга инган оппоқ шудринглар
Сўзлаб берар сенга сабоқларимни.

Бугун ҳам ўтгайдир шодмону маъюс,
Фақат сен дўстингни ғамбода дема.
Бир карра иродам синаб кўрайин,
Сен менинг ёш жоним ғамини ема.

Эртага мен бир ёш улғаядирман,
Безавол бўлгайдир офтобимиз ҳам.
Илиқ нурлар чулғар руҳиятимни,
Фидо бўла олсам сенга чинакам.

Шунда...қарсак чалмай жим кузатаман,
Ғолиб чиққанида оппоқ бир ният.
Мен сени ҳамиша суқ-ҳасадлардан
Қалбимда яшириб юргум, Шеърият!



Тоғ жилғаси.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

ЎН БИРИНЧИ ЭШИК

Боши учинчи бетда

ратлари тўғри эканига қунглида ишонч туғила бошлади. Лекин бу ҳол узоққа чўзилмади, у ҳаддан ташқари ўжар ва қайсар эди, бинобарин, севгилиси билан муродмақсадига етажагига бўлган ишонч-эътиқодига аввало ўзи ишонди. Ана шу ниятига Башоратни ҳам ишонтира олди, энди фақат чорасини топса бас, чорасини!.. Учта эшик топди, бешта, олтита, еттинчиси хос эшик экан, ундан бу дунёдаги паймонаси тўлганлар ўтар экан, ўтганлар жойини жаннатдан топсин, лекин саккизинчи эшик бор-ку, саккизинчисидан ўтиш эпини тополмаса излаб-истаб тўққизинчисини топиши мумкин-ку!.. Унинчиси ҳам гапми, истаганича топиши мумкин, истак, ишонч ўлмаса бас, Расул юраверади, оёғида оёқ қолмагунича, умри поёнига етмаганича... умри поёнига етса етар, илло сабр-тоқати поёнига етмайди. Калака бўладими, гуноҳкорга чиқадими, калтаклар остида қоладими — Башорат билан уни тушунадиган одам ёрдамида истироҳат боғидан чиқиб кетадиган эшик излаш ниятидан қайтмайди.

— Шундайми, Башорат? — сўради у кўнглидаги қатъиятга қиздан далда кутиб.

— Сиз нима десангиз — шу, — қисқа жавоб қайтарди қиз.

Расул учун бундан улуғроқ куч-қувват ато этадиган далда бўлиши мумкин эмас эди. Шу боис у дуч келган эшик олдига қўнглидаги мана шу ишонч-эътиқод тўлқинида борди, интилди, уринди — одамлар билан тил топишиш илинжида сўзамоллик, уддабуронлик соҳасидаги жамики маҳоратини ишга солди.

Ғиштли девор орасида қолиб кетган одам бўйидан баландроқ тахтани кўрганида Расул анчагина толиққан, тушкун кайфиятда эди. Фақат... доимо саранжом-сариштa, озода сақланадиган боғнинг одамлар кўзидан йироқ овлоқ бурчаклари қаровсиз, эътиборсиз ташлаб қўйилади. Ташландиқ жойга на сув-пув сепилади, на супурги тегади. Чанг-чунг, доғ-дуғ босган тахтани девордан кўчириб ташлаш осон эмас. Олдига яқинлашиш ҳам маҳол: йўл йўқ, белга урадиган чақир тиканакли янтоқзор қадам босгани қўймайди. Расул кўли билан букиб, тик ўсган янтоқларни ёнбошга ётқизиб йўл очишга киришди, кафтининг сиртини тикон тилди, парво қилмади «Эҳтиёт бўлинг» деди Башорат меҳрибонлик билан, қизнинг оппоқ билагида қип-қизил чизиқ пайдо бўлганини Расул шундагина пайқади.

— Сиз қўлингизни урманг, аста ортимдан келаверсангиз бас, — деди у ғамхўрлик кўрсатиб.

Шундай дея туриб оёғи билан янтоқ танасини босди, туфлининг таг чармига «кирт» этиб тикан кирди, эътибор қилмади, қуриган ўт-ўлан орасида итлар ғажиган суяк қолдиқлари кўринди, йўл очишда давом этди, терлаб-пишиб кетди, Башорат рўмолчаси билан унинг чаккасидаги, бетидаги терни артди. Қизнинг янтоқ шохи илган этагини авайлаб бўшатди, Расул унинг оппоқ юзлари қизариб кетганини кўрди. Башорат бир оғиз бўлсин эътироз билдирмади, мен бу йўлдан бормайман деб орқага қайтмади, ҳатто одатича, «Қаёққа кетяпмиз, Расул ака?», деб савол ҳам қотмади. Қаёққа кетаётганимиз эмас, бирга бораётганимиз муҳим дер эди Расул, мана, ҳатто ташландиқ янтоқзор оралаб бориш ҳам бу йигит-қиз учун фароғат, роҳат эди.

Расул тахта устидан кўпайтирув амали шаклида қоқилган темирга қараб, ажабланди, ҳали етиб бормай шу қўшалоқ темирни олиб ташлашни мўлжаллади.

— Асбоб-ускунасиз кўчириш қийиндир? — иккиланиброқ сўради Башорат.

— Икковимиз бирлашсак» ҳеч қандай қийинчилик бизга писанд эмас, — жавоб қайтарди Расул.

Шундай бўлди ҳам — Расул Башоратнинг кўмагида тахтага қоқилган темирнинг бирини, сўнг икинчисини осонгина кўниріб ташлади.

— Айтдим-ку, Башорат, астойдил киришсак ҳар қандай машаққатни енгамиз, — деди қувониб Расул. — Раҳматли отам кўп гапирар эдилар: астойдил ҳаҳ қила билсанг — битмайдиган мушкул иш йўқ дер эдилар.

— Ҳеч зоғ йўғ-а? — сўради Башорат атрофга ажабланиб аланглаб.

— Биз бормиз-ку, — кулимсираб пешонасидаги терни кафти билан сидирди Расул.

— Мен бошқаларни сўраяпман, йўловчиларни...

— Биз бошқалар эмасмиз, жоним, биз... бизни тушунамиз... бизни ва биз кабиларни тушуна биладиганларгина етиб келишлари мумкин, бу ерга...

Расул овозини хиёл кўтариб санай кетди, етмишдан ошгандагина қиз унинг саноғини бузишга жўраът этди.

— Санашга вақт кетказмай, бир бошдан кўчириб ташлай қолайлик.

— Яхши, шундай қила қоламиз, — деди Расул ва тахтага қоқилган михлардан бирини тортқилай бошлади. Мих қимирладию, лекин суғурила қолмади, Расул уни айлантириб-тебратиб узоқ уринди.

— Шу-унча михни қоқиш кимга зарил келган-а? — Башорат Расулнинг қуйиб-пишишига ачинганидан норозиланиб сўради.

— Эшикка эмас...

Расул шундай деб гап бошлаганида бош бармоғидан қон тирқираб кетди, Башорат рўмолчасини шилинган ярага босди, қора терга ботиб мих суғураётган йигитга жони ачишганидан уни ниятидан қайтаришга ҳам жазм қилди.

— Тахтани олсак-да, фойдаси бўлмаса нима қиламиз? — деб сўради шубҳасини яширмай.

— Бу михлар эшикка ёки тахтага эмас, — деди узилиб қолган гапини давом эттириб, — юракка қоқилган. Сен билан биргалашиб ана шу юрақдаги михларни битта-битталаб суғуриб ташлаймиз. Майли, қўлимиз қонасин, майли, кўкариб-шилинсин, лекин юрак михлардан тозаланса, томирлардаги қон гупириб оқади, қара, зангланган-қорайган эгри-бугри катта-кичик михлар.

Шом қоронғиси чўка бошлаган эди. Расул тахтадан суғуриб олган михлар оёқ остида уюлиб, шақир-р-шуқур-р қилар, зангланган, қорайган-қурайган мих ўюмидан Расулнинг вужудидан оқаётган терга, қўлларининг ва... қайсидир юракларнинг қони қўшилиб силқиллаб томаётган эди. Шундагина у тахтанинг нариги томонидан қоқилган саноқсиз михларнинг учи бу ёққа чиқиб қолганини кўрди. Жуссаси ихчам кўринган Расул тахтага шердек ҳамла қилди, у ҳар битта михни минг бир уқубатда қимирлатиб, тортиб, суғуриб олишда давом этди. Кўйлаги титилиб кетди, жаз-жаз ачишаётган кафтини, бармоқларини дамбадам тиззасига босаверганидан шими қонга беланди. Қорни очмаётганига, қўли ёки асаблари толиқмаётганига ҳайрон бўлди, лекин бирон лаҳза қилаётган иши ўзига беъмани ёки бесамар туюлмади.

Унинг ёнида Башорат бор эди, Башорат билан ҳоли қолиш қувончи уни ҳар қачонгидан куч-қувватга тўлдирган, Расулнинг ҳар қандай хаттиҳаракати Башорат учун қадрли, ҳикматли эди.

Мўъжиза қоронғилик айни қуюқлаша бошлаганда юз берди: истироҳат боғининг бу овлоқ гўшаси ёритилмаганидан зумда зимистонга, алмисоқдан қолган тахтага аллакимлар томонидан қоқилган беҳисоб михларни суғуриб олаётган йигит билан қиз қўлагага айланган пайтда... тахта жойидан силжиди. Расул азбаройи бақириб юборaёзди.

— Жоним! — деди тахтага кифти билан суяниб.

Башорат ёмонроқ шикастландими, деган хавотирда йигит томон интилди, Расул қонталаш кафти билан қизнинг белидан қўйди, уни бағрига тортиб юзига беозоргина лабини босди. Башорат «пича дам олайлик» демоқчи эди, лекин йигитнинг кучига-куч қўшилгандан-қўшилаётганини кўриб ҳайратга тушди. Оёғига тармашиб тиззаси томон гимирлаб, ўрмалаб чиқаётган сероёқ ҳашаротни шимининг устидан пайпаслаб тутмоқчи бўлди, эпломади, ҳашорат тиззасининг ўзига етди, тақимига ўтди. Қаердадир илон вишиллади.

— Илоннинг уяси борга ўхшайди, — деди хавотирланиб Башорат.

— Суғуриб олинган михларнинг ўрнидан чиқяпти, — деди бамайлихотир, Расул.

— Бир оз дам олинг, Расул ака, — деди Башорат ёлборгудек оҳангда.

Расул кулди.

— Энди дам олмаймиз, Башорат. Етдим деганда чарчоқ қоладими, жоним?! Тахта ўрнидан кўзғалай деди. Сенга кўринмаяптими, Башорат?!.

— Тахта олинса нима бўлади, Расул ака?

— Бу — қуруқ тахта эмас, эшик, тушуняпсанми, Башорат, аллазамонлардан қолган ва кимдир келиб очишини кутаётган эшик! Парвардигор бирорта бандасини бенажот қолдирмайди, жоним, «бошим қотиб қолди», «дунё кўзимга қоронғи», «чора қолмади» деганлар бекор айтибди. Башорат, майли, эшиклар ёпиқ бўлсин, майли, эшиклар бетингга тақа-тақ ёпилсин, ўксима, жонгинам, бири бўлмаса — иккинчиси, бештаси ёпилса — олтинчиси, ўнтаси очилмаса — ўн биринчиси очиқ бўлади, очилади, уқяпсанми, меҳрибонлик, ҳамма эшиклар гумо-гурс ёпиқ бўлиши мумкин эмас, зинҳор ундай бўлмайди, фақат, умид ўлмаса, ҳаракат сўнмаса бас, очиқ эшик топилади, Башорат, шу ердамисан, азизим ке, ёнимга, яқинроқ ке, жоним, яқинроқ, жудаям яқин кела қол!... Ҳадемай... ҳадемай... майли, қўлларимнинг териси, эти шилиниб тушсин, қонлар оқаверсин, илону қурт-қумурсқалар баданимни чақсин, уст-бошимни тиканлар, михлар илма-тешик қилсин, сен ёнимда бўлсанг кифоя Башорат, башорат мени... бизни қутқаради, ҳалос этади, тушунгдингми, Башорат?.. Ҳалоскорим...

Расул навбатдаги михни тортганида тахта лоп этиб ўрнидан силжиди, қийшайиб унинг устига ағдарила бошлади. Расул эшикка қарамай қизнинг билагидан тутди, уни қучиб ағдарилаётган эшикка, эшикка қоқилган, ҳали суғуриб улгурмаган саноқсиз михларга қаради, вужуди зирқиради. Шу топда эшикнинг ортидан майин, ёқимли шабада эсди. Бир жон бир тан бўлиб турган Расул билан Башорат бу эпкиндан энтикиб кетди...

«АЛПОМИШ» ДОСТОНИ ТЎЙИГА БАҒИШЛАБ ЎТКАЗИЛГАН КИНОАСАРЛАР ТАНЛОВИ ЯКУНЛАРИ

«Ўзбеккино» давлат акциядорлик компанияси Ўзбекистон Киноарбоблари бирлашмаси ва Халқаро «Наврўз» жамғармаси билан биргаликда «Алпомиш» достони тўйи муносабати билан Республика Вазирлар Маҳкамасининг қароридан келиб чиққан ҳолда турли жанрдаги кино асарлар сценарийлари учун танлов эълон қилган эди.

Танлов ҳайъати тақдим қилинган киносценарийларни кўриб чиқиб, мукофотларни қуйидаги муаллифларга беришга қарор қилди:

биринчи мукофот — **Усмон АЗИМнинг «Алпомиш» тўлиқ метражли бадиий филми киносценарийси учун;**

иккинчи мукофот — **Муҳаммадли ҚЎШМОҚОВ ва Шомирза ТУРДИМОВларнинг «Алпомиш» бадиий киносценарийси учун;**

учинчи мукофот — **Хушбоқ бахши МАРДОНАКУЛОВнинг «Алпомиш» киноасари учун берилди.**

Ҳужжатли филмлар киносценарийси бўйича мукофотлар берилмади.

*Мултипликацион филмлар киносценарийси бўйича иккинчи мукофот — **Н. Тўлахўжаевнинг «Алпомиш»** олти қисмли киносценарийси учун берилди.*

Мукофотга сазовор бўлган сценарийлар асосида келгусида бадиий филмлар яратилади.

«ЎЗБЕККИНО» давлат акциядорлик компанияси

ДИҚҚАТ ТАНЛОВ!

«Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси ва «Туркистон саройи» концерт мажмуаси болалар учун театрлаштирилган «Янги йил» томошаси сценарийси учун танлов эълон қилади.

Танлов ғолибларига пул мукофотлари берилади.

Сценарийлар шу йилнинг 15 октябригача қабул қилинади.

Мурожаат учун телефон: 137-60-91

ТАЛАБДА ҚАЛАНДАРЛИК

Тадқиқот, ахборот

Ўрта Осиёда энг кўп тарқалган тасаввуф тариқатларидан Яссавий, Нақшбандия, Курбавия тўғрисида тасаввурга эга бўлса-да, қаландарлик ҳақида маълумот камлиги кўпчилик адабиётшунослар томонидан эътироф этилади. Қаландарлик тариқатининг келиб чиқиши турли манбаларда турлича кўрсатилади, унинг моҳияти, қаландар шахси, ижтимоий мавқеи ҳақида бир-бирига яқин мулоҳазаларни учратамиз. «Ҳафт қулзум» ва «Баҳори ажам» луғатларида «қаландар» расмий қайдлардан озод, диний амал ва одатлардан айрилган, моддий ҳаётий алоқаларни тарк қилган, ибодат ва одатларни бузувчи кишилар сифатида изоҳланади. Абдураҳмон Жомийнинг «Нафоҳат ул-унс» асаридаги «Лекин қаландарлар ибодатларнинг фарз бўлган қисмларини адо қиладилар», диннинг ҳеч бир қайди остига кирмаган қаландарларни «ҳақиқий қаландар эмас», деган эътирофини А. Фитрат «диний тарафкашликдан холи», деб билади. «Машраб» мақоласида Фитрат «Мифтоҳул-толибин», «Рисолаи одоби тариқ» асарларидаги қаландарлар ҳаёти ва уларнинг кулоҳ, кашкул, асо, каду, матбаҳ каби анжомлари, соч қўйиш одатига алоҳида тўхталиб қуйидаги хулосага келади: «Бизнинг фикримизга кўра, қаландарлар феодализм идорасининг бутун оғирлиги остида қолиб эзилган, бор-йўқларидан айрилган, эзувчи кучга қарши курашмоқ умидини тамом йўқотган, шахсий ҳаётларини таъмин этиш учун қўлларидан ҳеч ҳунар келмаган бир гуруҳ бўлганлар».

Қаландарликнинг туб моҳияти фақирлик бўлиб, унинг асосида дунё ишларига бепарволик, саргашта юриш, тарки дунё қилиш, софдиллик, мужаррадлик туради. Қаландарлик «Қобуснома»да : «Дарвешнинг зоҳири ва ботини бир, кўнгли тавҳид фикридан холи бўлмаган, само оҳангига мойил, сафарни дўст тутувчи, тан ва жомаси пок киши» сифатида таърифланади.

Жомий «Нафаҳот ул-унс» асарида қаландарлар ҳақида сўз юритиб, уларнинг маломатийлардан фарқини кўрсатади. Маълум бўладики, маломатийлар ибодат қиладилар, лекин буни халқдан яширадилар. Қаландарлар эса ибодат ва одатларни ошкора бузадилар.

Навоий ҳам «Хамсат ул-мутаҳаййирин» асарида бу тоифа кишиларга шундай таъриф беради: «Ҳар ойинаким беихтиёрлиғлардин қаландарвашлиғ ва сарупо бараҳналиғ ва тоғ ва водийларни тутмоқ ва мақсуди аслийдин ўзга барчани унутмоқ даст берур». Демак, қаландарлик бепарво юриш, маълум бир тартиб-қоидаларга амал қилинмайдиган ҳолда бўлишдир. Қаландарлик шундай одатки, унинг ихтиёри ўзида эмас, кийимлари ҳам пароканда ҳолда тоғ ва водийларни дарбадар кезиб юрувчи, Ҳақдан ўзга нарсаларни унутган сайёр ошиқдир.

Боборaҳим Машраб қаландарлик тариқатини расман Офоқ хожа ҳузурида қабул қилади. Қаландарлар ҳақида тазкира тузган Исҳоқ Боғистоний қуйидагиларни келтиради: «Машраб Кошғарда ашъор бобинда ва табоқоти қаландарияга бисёр раъбат ва майл кўргуздилар. Шу боисдан аларнинг битиғон ашъорининг аксаринда қаландарвор туғён, исён ва ғазабноклик юз кўрсатмишди. Машрабнинг аксар ушбу тоифада ашъорияти авоми-аннос ва Ёркентга жой тутмиш аҳли қаландар жамоатининг машаратинда Раҳимбобойи Машраби Андигонийга «Шоҳ қаландари Машраби сарсари» унвон тааллуқ этуб, устларига «жандайи шоҳ қаландар»ни ёптилар. Ушбу муддатдин бери Машраби мажзубни «Шоҳ Қаландар Машраби Мажзуб» демоқлиқ одат бўлмиш».

Машрабдаги мажзублик ҳолати пир ҳонақосига, маълум тартиб-қоидаларга сиғмайди. Унинг мажзублигини, туғма жазба билан туғилганини ҳаётидаги воқеалар ҳам исботлайди. Машрабнинг отаси «Ўғлимиз девоналиқдан халос топса», деб Бозор Охундга олиб борганида у Машрабга насиҳат қилади. Машраб: «Эй Охундум, ошиқнинг ота-онаси бўлмас», дейди ва дарбадарликни ихтиёр этади. Унинг қаландарлик қиёфаси қуйидагича намоён бўлади: «Пешвоз чиқиб кўрдиларки, бир қаландари оташнафас, гирди камарларига тушган, жазб ҳолатлиғ, сочлари фатила-фатила. Оташи Ишқ жабҳасидин шуъла уруб турубдур».

Қаландарлик тариқати Машрабнинг пўртанавор, шиддатли изтиробларидан иборат руҳи учун айнан мосдир. Чунки «валийи модаризод» Ошиқ ўз ишқининг оташинлигини ифодалашда ҳеч қандай тартиб-қоида ва мезонга амал қила олмас эди. Машраб қалбини туғёнга солган безовта кечинмаларнинг сабабини излаб дарбадар ҳаёт кечиради. Тасаввуф истилоҳотига кўра, «талаб» — Ҳақ таолони қидиришни англатади. Машраб ёзади:

Нигорим васлини излаб
талабда бир қаландарман,
Кечиб дунёи фонийдин
талабда бир қаландарман.

Қаландар Ҳақ васлини излагани сари унга муҳаббати ортаверади, шунинг баробарида бевафо дунёдан узоқлашиб боради ва Ҳақнинг иродаси қайта тирилтиришини истаса, ўшанда ҳам кафани бўйнида чўлганган қаландардир. Ҳақнинг ишқи қаландарга бошдан то оёғига оташ хирмони бўлиб туташганки, бу оташ ҳар ерда гулхан қуришга етади. Ошиқ бу оламдан кетар экан, Ҳақ ишқидан унинг кафани қизил, барча жабру жафоларни чеккан қаландар қони Балх шаҳрини бўяшини башорат қилгандай бўлади:

Кетар Машраб бу дунёдин
кафан олуда хун бирла,
Қоним Балх шаҳрини бўяб
талабда бир қаландарман.

Дилдора АБДУЛЛАЕВА,
ЎзФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти аспиранти

«ЮРАРМЕН ХАЛҚ ИЧИНДА...»

Ёднома

Муфтий Зиёвуддинхон Эшон Бобохон ўғиллари табаррук таваллуд кунларига 90 йил тўлиши муносабати билан ёдномалар мажмуаси тайёрланаётган эди.

Тошкент Давлат Шарқшунослик институти муаллимаси Мухлисахон менга:

— Домла, сиз ҳам адамлар билан ишлагансиз, кўп бирга бўлгансиз, бирор мақола ёзиб берсангиз, — дедилар. „Мен ваъда бердим-у, аммо нимадан бошлашимни билолмай юрдим. Мана, орадан 6-8 ойлар ўтди. Мен ваъдамни унутмаган бўлсам-да, қаламим ҳеч юришмас эди.

Бир куни икки укам — қурувчи Шомансур ва шифокор Убайдуллолар мени кўргани келишди.

Соғинишган эканмиз, аллавақтгача суҳбатимиз совимади. Сўз ҳақида гуноҳлар, тавба ва тазарруъ мавзуига келганида Убайдулло Зиёвуддинхон ибни Эшон Бобохон ҳазратларини эслади:

— Мен бир куни сизнинг уйингизда ул кишининг суҳбатларини олишга муяссар бўлганман, — деди. — У вақтда намоз ўқимас эдим. Шу ҳақда гап қўзғалганда, мен у кишига:

— Биз сизларнинг этакларингизга маҳкам ёпишиб кетаверамиз, зора Худонинг ўзи кечирса, — дедим. Шунда у киши:

— Бизнинг этагимизга кўп ҳам ишонаверманг, биз ҳам Худонинг гуноҳкор бир бандасимиз, сиз одамларга шифо бахш этиб, халқнинг савобини олаверинг, дедилар.

Мен бу гапни эшитар эканман, Зиёвуддин қори акамиз (ул киши ёш ўспиринлик чоғларидаёқ 32 пора Қуръони Каримни ёд олиб, дилларига жо қилиб, қориликка ўтганлари туфайли боболари ва оталари «Қори» дейишар, биз яқин кишилар ҳам ул мўътабар зотни шундай атар эдик) бўй-бастлари, зоҳиру ботинлари билан кўз ўнгимда намоён бўлдилар. Ҳа, ул жаноб диний ва дунёвий илмлар соҳасида баркамол олим, катта амалдор, яъни Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг муфтийси бўлатуриб, шундай камтарин, камсуқум, ўзларини ниҳоят хокисор тутадиган бир киши эдилар. Ўзлари ҳам барчага умид бахш этиб, доимо халқ ичида бўлар эдилар.

Бу ёзаётган мақолам ёднома бўлгани туфайли энди ул киши билан иш юзасида баъзи учрашувларим лавҳаларини эслаб ўтай:

1970 йил баҳорида министрлар совети диний ишлар бошқармасининг бошлиғи Ўзбекхон Рустамов қўнғироқ қилиб:

— Шоислом ака, шу йилнинг кузида Тошкентда мусулмон мамлакатларининг «Тинчликни ҳимоя қилиш»га бағишланган конференцияси бўлади. Ташкилий қўмита тузилган, қўмита раиси Зиёвуддинхон Эшон Бобохон ўғиллари, сиз ҳам унга аъзосиз. Бугун соат бирда қўмита мажлиси бўлади Хасти имомга, диний назорат идорасига борсангиз, — деди.

Соат ҳам 12 дан ошган экан, секин йўлга тушиб етиб бордим.

Уфадан, Махачқаладан ва бошқа жойлардан келган муфтийлар билан йиғилишиб гаплашиб ўтиришган эканлар. Мен ҳам саломлашиб бориб суҳбатга қўшилдим. Орадан чорак соат ўтар-ўтмас барчамизни қўшни хонага таклиф этишди. Дастурхон тузалган стол атрофига ўлтирдик, бир пиёла чой устида мажлисимиз бошланди. Кейинги мажлисларимиз ҳам шундай, доим дастурхон устида, аммо қизғин ўтганди.

Айниқса, бир мажлис ёдимда қолган. Унда конференцияни молиявий таъминлаш масаласи кўрилган эди.

Барча муфтийлар ўз имкониятларига қараб пул ажратишди. Аммо Уфа муфтийси ҳеч нарса ваъда қилмас эди. Унга ҳар тарафлама ёндошиб, бир неча бор мурожаат этилса ҳам ҳеч ён бермай:

— Кўрабиз, Уфага қайтғоч маслаҳатлашиб, бир нима ажратарбиз... — деяверди. Махачқала муфтийси эса:

— Бизнинг банк ҳисобимизда мунча бор, керак бўлса ҳаммасини берамиз, — деди.

Шу пайт овқат келиб қолди. Бир оз гапдан тиндик. Сўнг иш ҳақидаги гаплар яна аста-секин давом этди. Қори акам босиқлик ва лутф билан яна маблағ ҳақида, баъзи қатнашчиларнинг йўл харажатлари, меҳмонхоналар ва меҳмондорчилик чиқимлари ҳақида гапирдилар.

Менинг эсимга Абдурaҳмон Жомийнинг Ҳотам Той ҳақидаги ҳикояти тушиб қолди. Мен уни қисқача қилиб сўзлаб бердим:

— Ўзингдан ҳам саҳийроқ кишини кўрганмисан? — деб сўрашибди бир куни Ҳотамдан:

— Ҳа, — деб жавоб берибди у. — Бир куни овда юриб кеч кирди. Мен бир деҳқоннинг уйига қўнишга мажбур бўлдим. У қўй сўйиб гўштини қовуриб келди. Мен ўзим яхши кўрган жойимни олиб едим. Бир оздан кейин яна худди шундай гўшт келди, едим. Бир оздан кейин яна ва яна, хуллас беш маротаба қайтарилди. Эрта билан хабар топдимки, мезбоннинг беш қўйи бор экан, у ҳаммасини сўйиб, менинг ёқтирган жойимни пишириб келтирган экан.

— Сиз ҳам унга мукофотлар бергандирсиз, — дейишибди эшитганлар.

— Ҳа мен 50 қўй ва 50 туя бердим, аммо у мендан кўра саховатлироқ эди, чунки у бор нарсасининг ҳаммасини менга тортиқ қилди мен эсам бойлигимдан бир қисмини бердим, халос.

Ҳикоямни тугатар эканман Уфа муфтийсига юзланиб дедим:

— Махачқалалик муфтий жаноблари Ҳотамдан ортиқ саховат кўрсатдилар, ҳаргиз сиз бул кишига етолмассиз, чунки бутун Россия мусулмонлари сизга қарайдилар, банкдаги пулингизнинг бир қисмини берсангиз ҳам бўлади.

— Ҳа, Москванинг ўзидаги мусулмонлар ҳам жуда саховатли, — дедилар Қори ака гапга якун ясаб, юмшоқлик билан. Ленинград мачитининг ҳам тушуни яхши.

— Кўрабиз, кўрабиз, — деди Уфа муфтийси яна. Лекин кейинги мажлисга анчагина маблағ ўтказиб келди.

Конференция куни ҳам етиб келди. Шу орада Миср президенти Жамол Абдул Носир оламдан ўтган эди. Конференция уч қорининг саҳнада баданларни жимирлатиб дилларга ларза солгувчи хушовоз ва юксак қироат саньати билан қилинган тиловатлари билан очилди.

Қори акам араб тилида Қуръони Каримдан ва Ҳадиси шарифлардан ишончли далиллар келтириб урушни ҳаром эканлигини исботлаб шундай гўзал ва мазмундор маъруза қилдиларки, барча мамлакатлардан келган ислом пешволарига маъқул тушди ва кейинги нотиқларнинг барчаси Қори акам маърузаларига мурожаат этиб, ундан тазминлар қилмай ўтолмадилар.

Бу маърузадан сўнг Ўрта Осиё мусулмонлари муфтийси Зиёвуддинхон Эшон Бобохон ўғилларининг асримиз ислом арбоблари пешволаридан эканликларини барча тан олди.

***

Машруъхон ота деган бир отамиз бўлар эдилар. Ул киши — маърифатимизга ҳам катта ҳисса қўшган одам. Ул кишини феъл-атворларига қараб, Машрабхон ота дердим.

Ул зотнинг ота-боболари ўзбек зиёлиларидан бўлиб, уйларида шахсий кутубхоналари бор эди. Совет даврида одамларгина эмас, китоблар ҳам қувғинга учратилиб, қатағон қилинган пайтларда оталари қўрқиб, китобларнинг бир қисмини сувга оқизиб ва бошқа йўллар билан йўқ қилишга киришганларида Машрабхон ота ўспирин экан. Ул киши ўзларига яхши кўринган китобларни томга олиб чиқиб, беркитиб қўяверибдилар, бир амаллаб анча ноёб қўлёзма ва тошбосма китобларни сақлаб қолибдилар. Булар орасида Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз, Бедил китоблари ва айниқса Алишер Навоий қўлёзмалари мавжудлигини ҳисобга олсак, Маданиятимиз олдида қандай катта жасорат кўрсатганларини кўз олдимизга келтира оламиз. Аммо қўлёзмалар орасида Алишер Навоийнинг ўз котиби Абдужамил Ҳаттот қўли билан битилган ва Навоийнинг ўз назаридан ўтган, ниҳоят мўътабар китоб ҳам борлигини билсак, нечоғлик буюк хизмат бўлганини идрок этамиз. Бу қўлёзманинг кейинги тақдирига бир оз тўхталиб ўтсак фикримиз яна ҳам ойдинлашади. Машрабхон ота 80лардан ошган, жуда ширин сўз, оқ кўнгил, ҳалол ва суҳбатлари жозиб, покиза одам эдилар. (У табаррук ота 101 ёшда оламдан ўтдилар). Китоб тақдирини мен эсимда қолганича ҳикоя қилиб берай:

Хуллас, Машрабхон ота Навоийнинг мазкур девони бир қийиқчага тугиб, Шарқшунослик институтига олиб борганлар. У ерда китоб харид қилувчи комиссия тугунни ўртага қўйиб очиб, ҳаммалари ҳангу манг бўлиб қолганлар. Шундай қийматбаҳо қўлёзма...

Унинг баҳоси йўқ эди... Аммо ўша вақт китоб баҳолаш йўриқномасининг энг юқори баҳосини белгилаб 3000 дан — 5000 гача берса бўлади деган қарорга келишган. Энди чиқиб бошқа хонада ўлтирган Машрабхон отага айтиш керак эди. Бу вақтда институтда эски мактабмадрасалардан чиққан устозларимиз ажойиб олимлар А. Расулов, А. Муродов, Шорасул Зуннун, Юнусхон домла, Лазиз Азиззода ва бошқалар ишлашар эди.

Чиқиб айтиш вазифаси шулардан бири (Расулов домла бўлсалар керак)га тушган. Ул киши чиқиб кетар эканлар домлалардан бири:

— Абдуффатоҳ бирданига шунча пулни айтиб юборманг, юраклари ёрилиб кетмасин, пастроқдан савдолашиб чиқинг, — деган.

Бу гап ҳаммаларига маъқул тушган ва:

— Савдолашиб олинган нарса ҳалол бўлади — дейишган.

Абдуфаттоҳ Расулов домла чиқиб:

— Машруъхон ока, китобингизга 500 сўм баҳо қўйилди, нима дейсиз?

— Майли ман розиман.

Абдуфаттоҳ домла ҳайратдан лол бўлиб, қайтиб кирганлар ва:

— Иш пачава бўлди, мен 500 сўм деган эдим, бирдан қўниб қўя қолдилар, — деганлар.

Барча пушаймонда қолган, нима қилишни билмай, институт китобдори Муниров Қавомиддинни чиқаришган. Ул киши чиқиб:

— Бекор кўнақолибсиз, қайтариб олинг, китобингизнинг баҳоси ўн баробар ортиқ, менинг ўзим олиб бераман, деганлар.

Аммо Машрабхон ота:

— Мен лабзимдан қайтолмайман, савдода лабз битта бўлади, — дея кўнмаганлар.

Муниров кассирни чақириб 500 сўмни олиб беришга мажбур бўлган. Машрабхон ота пулни эса олиб келиб токчадаги китоблардан бирининг орасига солиб қўйганлар. (Ул вақтда 100 сўмга мингта нон берар эди).

Қори акамиз Машрабхон отани ҳурмат қилар ва ҳафтада бир-икки бор хабар олиб турар эдилар.

Бир куни уйларига кириб, ҳолаҳвол сўрашиб, буюк муҳандис Имом ал-Бухорий жанобларининг мақбара ва мачитлари таъмирланаётгани ҳақида гап кетади. Машрабхон ота ўринларидан туриб токчадаги китоблардан бирини оладиларда қитоб орасидан 500 сўм пулни чиқариб:

— Қори, мана шуни ҳам олиб бориб ишлатинг, мендан ҳам бир нарса қўшилсин, — дейдилар.

— Йўқ, етарли маблағ бор, — дейишларига қарамай:

— Оласиз, ишлатасиз, — деб туриб оладилар.

Олишга мажбур бўладилар. Кейинчалик, юбилей ўтганидан сўнг Қори акам ул кишини Самарқандга Имом ал-Бухорий мақбараларига олиб бориб, зиёрат қилдириб келдилар. Зиёрат вақтида қори акам Машрабхон отага:

— Сизнинг пулингиз, мана, мачит томи тунукасига қўшилди, — деганлар. Машрабхон ота Самарқанд сафаридан ўнда мамнун келдилар. Бир кун Кўкчада Машрабхон ота мени кўрганларида: жума номозидан кейин бизникига кириб анча суҳбатлашиб ўлтирдилар.

— Менинг пулим ҳам том тунукасига қўшилибди, — деб гапирар эканлар, ҳудди йўқолган қўғирчоғини топган боладек кўзлари ёниб, юзлари нурланиб кетгани ҳамон кўз ўнгимда.

* * *

Бизнинг отамиз Мулло Шомаҳмуд Шоаҳмад ўғиллари 1929 йил январида вафот этганларида катта ўғиллари мен энди 6 дан 7 ёшга ўтаётган эдим. Ул киши Тошкентнинг Бўржар ариғи ёқасидаги қабристонга дафн қилинган эдилар, у жойлар бузилиб, ёнига марказқўм меҳмонхонаси тушган, атроф қабристон эса текисланиб боғ қилиб қўйилган эди. Мен 8 йилдан ортиқ аскарликда, урушларда бўлиб, қайтиб келганимда отам қабрларидан нишон ҳам қолмаган эди. Бу ҳол мени кўп эзиб юрар эди.

Бир куни суҳбатлашиб ўлтириб, бу изтиробларимдан қори акамни хабардор қилдим ва:

— Бизки, ота-боболаримиз қабрларини зиёрат эта олмасак, болаларимиз ҳам шундай бўлиб ўсадилар-да, — дея афсусландим. —Кўкча қабристонидан хилхона ажратиб, ул кишининг хоки покларидан бир қисм олиб келиб, рамзий қабр қилиб қўйсам, биз ҳам, болаларимиз ҳам зиёратга чиқиб турсак, волидаги муҳтарамамизнинг кунлари етганда ул кишининг ёнларига қўйсак бўлмасмикан? — дедим.

— Мумкин, бу ҳадисда ҳам бор, — дедилар қори акам ва бир оз ўйланиб, токчадаги Муҳаммад Бухорий Ҳадис китобларига ишора қилиб араб тилида бир ҳадисни қироат қилдилар.

Унда бирор кишининг жасади ё ҳоки ўз васияти бўйича ёки фарзандлари истагига биноан азиз авлиёлар қабри атрофига олиб келиб, қўмилиши мумкинлиги ҳақида сўз борар эди.

— Бу ерда азиз бир зот Шайх Зайниддин бобо макон топганлар, шул зоти олий ҳузурлари орзусида сизнинг истагингиз бажо келтирилиши мумкин.

Шундай қилиб фатво олинди ва ўғиллари Шамсиддинхон ҳамда Кўкча масжиди имом ҳатиби Пўлат Қори ёрдамларида жой танланиб, биз Шайх Зайниддин бобо қабрлари ёнида зиёратгоҳга эга бўлдик.

* * *

Муқаддас мусулмончилигимиз учун, дину эътиқодимиз учун қийин-қистовли замонда Қори акамиз халқимизга тоғдай таянч бўлиб туриб бердилар, зеро, ул муҳтарам зот имкон борича ўлкамизда мусулмончиликни, мусулмонлар орасида эса иймон-эътиқодни мустаҳкамлашда кўп фидоийлик кўрсатган, исломий маърифатимиз ва демак, маънавиятимизнинг улуғ арбобларидан эдилар.

Шундай одамлар туфайли ҳар дилда сўнмас эътиқод, деярли ҳар уйда Қуръони Карим сақланиб қолди, туғилган чақалоқлар қулоғига азон айтилиб, исм қўйилди, тили чиққан бола «бисмиллоҳир-раҳмонийр-роҳим» деб нон тишлашга ўргатилди, ўғилларимизнинг қўли ҳалолланиб ҳуфъя ё ошкор тарзда тўйлар ўтказилди, оталаримиз ўлиги жаноазасиз кўмилмади, улар қабри Қуръон тиловатисиз зиёрат қилинмади. Оллоҳга шукурким, ўзбек халқи қанчадан-қанча қиргин-баротларга қатағонларга қарамай иймонини ҳам, урф-одатларини ҳам, метин эътиқодини ҳам, ҳар бир уйда авайлаб сақланган Қуръонини ҳам йўқотгани йўқ.

Қори акамиз хотираларига келсак, ул киши, менинг ҳаёлимда, ҳайр